

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАММАТОВА МАҚСУДА ШАРИПОВНА**

**«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ДОСТОНИНИНГ ЁЗМА ВА ОҒЗАКИ  
АДАБИЁТДАГИ ТАЛҚИНИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

УДК: 821.512.133-131

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Жамматова Максуда Шариповна**

«Лайли ва Мажнун» достонининг ёзма ва оғзаки адабиётдаги талқини.....5

**Жамматова Максуда Шариповна**

Интерпретация дастана «Лейли и Меджнун» в письменной и устной  
литературе.....34

**Jammatova Maqsuda Sharipovna**

Interpretation of the dastan «Layli and Majnun» in written and oral  
literature.....65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....70

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАММАТОВА МАҚСУДА ШАРИПОВНА**

**«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ДОСТОНИНИНГ ЁЗМА ВА ОҒЗАКИ  
АДАБИЁТДАГИ ТАЛҚИНИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil571 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.uz-diti.uz](http://www.uz-diti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзимбоев Сафарбой Рўзимбоевич,  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳақкулов Иброҳим Чориевич,  
филология фанлари доктори, профессор

Керуенов Турғунбой Аразметович,  
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 Илмий кенгашнинг 2022 йил «14» март соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862)-224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: fil-ik.urdu.uz.

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2567 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй).

Диссертация автореферати 2022 йил «3» март да тарқатилди.  
(2022 йил «3» март даги 4 рақамли реестр баённомаси).



3. Дўсимов  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

С.М. Сариев  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. д. (DSc), доцент

А.Д. Ўразбоев  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в. б. филол. ф. д. (DSc), доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

### Диссертация мавзусининг долзарблиги.

Ҳозирги замон жаҳон адабиётшунослигида анъанавий бадиий маданиятнинг энг қадимий қатламига мансуб ёзма манбалар, миллий эпосларнинг тарихий-генетик асосларини ойдинлаштириш орқали уларнинг поэтик тафаккур тараққиётида тутган ўрнини белгилашга қаратилган тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Натижада дунё халқлари бадиий сўз санъатининг шаклланиши ва ривожланишига бевосита жонли ижро жараёнида яратилган оғзаки ижод анъаналари асос бўлгани аниқланди. Бу эса азалдан ўзаро яқин маданий - иқтисодий муносабатлар доирасида ривожланиб, дунёвий маданий қадриятларни биргаликда яратган туркий халқлар ёзма ва оғзаки ижоди учун муштарак саналадиган мухташам эпосларнинг минтақа халқларининг адабий анъаналарига, хусусан, ўзбек халқининг ёзма ва оғзаки ижоди тараққиётига кўрсатган таъсири ва эпик сюжетлар эволюциясида тутган муҳим ўрнини асослаш имконини берди.

Жаҳон адабиётшунослигида ёзма манбалар ҳолида оммалашган эпик, асарлар бадиий адабиёт тараққиётига катта таъсир кўрсатиши баробарида фольклордаги эпик анъана ривожини таъминловчи бош омиллардан бири бўлганлиги хусусидаги илмий қарашлар шаклланди. Ана шундай янги илмий-назарий қарашлар асрлар давомида аجدодларимиз томонидан яратилиб, жонли оғзаки ижро орқали тараққий этиб келган дostonларнинг бизгача турли кўринишларда етиб келган намуналари билан қиёсий таҳлил қилиш асносида эпик тафаккур ривожини таъминловчи устувор мезонларни аниқлашга асос беради.

Кейинги йилларда мамлакатимизда мумтоз адабиётимизга ва халқ ижодиётининг нодир намуналарига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ёш авлодни юксак маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш, уларда Она ватанга, ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиришда мумтоз меросимизни, қадимий қадриятларимизни излаб топиш ҳамда теран тадқиқ қилиш давримизнинг асосий талаби бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг: “Улуғ аجدодларимизнинг ақл-заковати ва бадиий даҳоси билан яратилган ноёб асарлар, хусусан, математика, минералогия, астрономия, кимё, тиббиёт, фармацевтика, меъморлик, тарих, адабиёт, санъат, илоҳиёт, фалсафа ва бошқа соҳаларга оид манбалар нафақат бизнинг халқимиз, балки жаҳон аҳлининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади”<sup>1</sup>, - деган сўзлари миллий маънавиятимиз ва қадриятимизни ўрганишда ўзига хос бир йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилади. Мумтоз адабиётимиз, унинг халқ ижодиётига сингиб кетган теран томирлари негизида яратилиб, асрлар оша халқнинг маънавий озиғи бўлиб келган асарлар ҳақида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Бу борада «Лайли ва Мажнун» достони сюжетини ёзма ва оғзаки адабиётдаги вариантлар билан

---

1. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2018 йил 18 май №21 (4471)

қиёсий равишда миллий истиқлол ғоялари асосида тадқиқ қилиш ҳали ўз тадқиқотини кутиб турибди.

Кейинги йилларда Хоразмдан топилган «Лайли ва Мажнун» достонининг ёзма нусха асосида тарқалган янги варианты ушбу тадқиқотни амалга оширишни кун тартибига қўймоқда. Ушбу янги топилган қўлёзма ўз сюжети, унинг янги тафсилотлар негизида ишланиши билан алоҳида оригиналлик касб этади. Мазкур қўлёзма ўз характерига кўра оғзаки адабиётга қараганда ёзма адабиётга кўпроқ яқин келади. Ушбу қўлёзма асарни, ёзма адабиётдаги айрим манбалар, шунингдек, бахшилар репертуаридаги оғзаки вариантлар билан қиёсий ўрганиш асосида мумтоз сюжетнинг тарқалиш доираси ва ўзига хос хусусиятларини ёритиш ишимизнинг **долзарблигини** белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ -304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** «Лайли ва Мажнун» достонининг ёзма адабиётдаги сюжетининг ишланиши, унинг генетик илдизлари, асардаги асосий образлар, А.Навоий «Хамса»сидаги «Лайли ва Мажнун» достонининг форсий ва туркий халқларда тарқалган сюжетларининг ўзаро алоқаси хусусида чет эл ва ўзбек олимлари кенг доирада йирик тадқиқотларни амалга оширганлар<sup>2</sup>. Жумладан,

---

2. Крачковский И.Ю. Ранняя история повести о Меджнуне и Лейле в арабской литературе. // Известия АН СССР. –М.: 1941. №2 – С.7-21. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи, I китоб, Т.: «Ўқитувчи», 1963; Шарафиддинов О. Алишер Навоий, Ўз давнашр, Т.: 1948; Афзалов М. Навоий ҳақида халқ афсоналари.// Шарк юлдузи. 1948, №5; Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони, Т.: Фан, 1970; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти, Т.: Фан, 1974; Нарзуллаева С. Навоий ва Андалибнинг «Лайли ва Мажнун» дostonлари ҳақида. // Филологик тадқиқотлар, Т.: ТошДУ, 1970, 133-144-бетлар;

С.Нарзуллаеванинг Навоий ва Андалибнинг «Лайли ва Мажнун» дostonлари ҳақида», «Лайли ва Мажнун» дostonида гуманистик ғоялар», «Лайли ва Мажнун» сюжети тарихидан»<sup>3</sup> каби мақолаларида «Лайли ва Мажнун» дostonининг Навоий ва Андалиб ижодидаги сюжетлари таққосланади, умумийлик ва алоҳидалик хусусиятлари очиб берилади, дostonдаги умуминсоний ғоялар тараннумига тўхтаб ўтилади, ўз навбатида асар сюжетининг қадимий манбалари ҳақида ишончли фикрлар билдиради. Шунингдек, «Лейли и Меджнун» Низами и «Лейли и Меджунун» Навои (некоторые сопоставительные наблюдения) мақоласида мазкур асарнинг Низомий ва Навоий вариантлари қиёсий ўрганилади.

Т. Аҳмедовнинг «Лайли ва Мажнун»<sup>4</sup> мақоласида асар сюжетининг дастлабки илдизлари, сюжетнинг ёзма адабиётда қайта ишланишлари масаласига тўхталади. М.Афзалов эса «Фарҳод ва Ширин «дostonининг халқ варианты ҳақида»<sup>5</sup> мақоласида дostonнинг халқ варианты ҳақида гапириб унинг Фозил шоир ижодида қайта ишланиш тамойиллари хусусида сўз юритади. Н. Маллаев ўзининг «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти»<sup>6</sup> монографиясида бошқа дostonлар қатори «Лайли ва Мажнун» дostonининг ҳам халқ ижодиёти билан боғлиқ томонларига кенг ва атрофлича тўхтаб ўтади.

Шу билан бирга «Лайли ва Мажнун» дostonининг кўлёзма вариантлари хусусида ҳозиргача бирор йирик тадқиқот яратилмади.

Бинобарин, шу пайтгача йирик олимларимиз томонидан эълон қилинган барча тадқиқотлар ишимизни ёзишда асосий таянч вазифасини ўтади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот Урганч Давлат университети «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасида олиб борилаётган «Ўзбек адабиёти ва фольклоршунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги истиқболли илмий тадқиқот ишлари режаларининг таркибига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Фозил Йўлдош ўғли томонидан айтилган “Лайли ва Мажнун” дostonи, Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonи ҳамда шу номда янги топилган Хоразмда кўчирилган кўлёзма нусхаси ва оғзаки вариантларини ўзаро қиёслаб, халқ ижодиётига алоқадор сюжетларни очиб беришдан иборат.

---

Нарзуллаева С. «Лайли ва Мажнун» дostonида гуманистик ғоялар. // Адабий мерос, Т.: 1981, №4 (20), 14-20-бетлар; Жалолов Т. «Хамса» талқинлари, Т.: 1962; Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби, Т.: 1970; Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят, Т.: 1991; Иззат Султон, Навоийнинг қалб дафтари, Т.: 1969; Ботирхон Акрам. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони, Т.: 1991; Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони, 6-том, Т.: 1979 ва бошқалар.

<sup>3</sup> Филологик тадқиқотлар, Т.: ТошДУ, 1970, 133-144-бетлар; Адабий мерос, Т.: 1981, №4 (20), 14-20-бетлар. Филологик тадқиқотлар. - Т.: ТошДУ, 1970. - Б.134-137; Страницы Азарбайджанско-узбекских литературных взаимосвязей.-Баку, «элм», 1985. 146-154-бетлар.

<sup>4</sup> Ўзбек адабиёти тарихи, II том.-Т.: “Фан”, 1978. - Б.258-279.

<sup>5</sup> Фозил шоир. – Т.: Фан, 1973. –Б.81-85.

<sup>6</sup> Маллаев Н. ўзининг “Алишер Навоий ва халқ ижодиёти”. -Т.: «Адабиёт ва санъат», 1974. -Б. 328.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- асар сюжетининг шаклланишига туртки бўлган асосий омилларга эътиборни қаратиш;

- дoston сюжетининг ёзма адабиётга кириб келиши сабабларини ёритиш;

- дostonнинг халқ вариантларига характеристика бериш;

- Хоразмдан топилган янги қўлёзма нусхани қиёсий таҳлил қилиш;

- ёзма нусхадаги бадиий тилнинг ўзига хосликларини тадқиқ қилиш;

**Тадқиқотнинг объекти.** «Лайли ва Мажнун» дostonининг ёзма ва оғзаки адабиётдаги қуйидаги вариантлари ишда асосий объект қилиб олинди: А.Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи. Андалибнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи. Дostonнинг янги топилган Хоразм нусхаси. Дostonнинг Умар Боқий варианты. Фозил Йўлдошдан ёзиб олинган оғзаки вариант.

**Тадқиқотнинг предмети.** «Лайли ва Мажнун» дostonи сюжетининг ёзма ва оғзаки адабиётда ишланиш тамойилларини ёритиб бериш тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал ҳамда бадиий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Мумтоз адабиётимизда дostonларнинг халқ ижодиёти билан алоқаси, асарнинг яратилиши, анъанавийлик, умумийлик, генетик асослари, сюжетининг шаклланишига туртки бўлган воқеалар баёни, образлари тизими, бадиий тасвир воситалари аниқланиб, бадиий эволюцияси очиб берилган;

дoston сюжетининг ёзма адабиётга кириб келишида ижодкорларнинг ҳиссаси, мумтоз сюжет билан дostonнинг Фозил Йўлдош ўғли варианты ўртасидаги қўлёзма матн мукамаллиги, қофиянинг келиш тартиби, поэтик алоқаси ва «Лайли ва Мажнун» сюжети жуда мунгли, марсиянамо хусусиятга эга бўлгани, асрлар давомида қиссахонлар репертуаридан ўрин эгаллагани очиб берилган;

Хоразмдан топилган “Лайли ва Мажнун” дostonининг қўлёзма нусхаси илк маротаба Алишер Навоийга мансуб дoston ҳамда туркий версиялар билан қиёсийланиб, дoston сюжетининг муайян ижодкор томонидан индивидуал қайта ишланиши, сюжетнинг анъанавийлик, умумийлик, алоҳидалик белгилари очиб берилган;

янги топилган қўлёзма асарни ёзма адабиётдаги айрим манбалар, бахшилар репертуаридаги оғзаки вариантлар билан қиёслашда мумтоз сюжет воқеаларига Хоразм архаик эпосида учрайдиган эранлар, чилтанлар, азизлар образининг киритилиши халқ ижодиётига, дoston таркибига киритган мухаммаслар, ғазаллар, байт ва мураббаъ шаклидаги жанрлар шеърининг гўзал намуналари сифатида аруз қонун-қоидаларига мос келиши аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

«Лайли ва Мажнун» дostonининг чет эллар, шу жумладан, туркий ва ўзбек адабиётшунослигида ўрганилишига оид материаллар бир тизимга келтирилган, матни солиштирилиб, муштараклиги ва алоҳидалиги очиб берилган.

Ўзбек мумтоз адабиёти ва халқ ижодиётидаги муштарак сюжетли дostonлар тизими аниқланиб, уларнинг ўзаро умумий ва фарқли жиҳатлари ойдинлаштирилиб тадқиқ этилган.

«Лайли ва Мажнун» дostonининг халқ вариантларидаги образлар тизими мумтоз эпосдаги айрим образларга қиёсланиб, уларнинг генетик илдизлари ёритилган.

Дostonларнинг ёзма шаклга ўтиши, кейин ўша шаклдан яна оғзаки баёнга асосланувчи бадиий нутққа кўчиши. Ижрочилар билан боғлиқ эпик талқин жараёнини очиб бериш, дostonлардаги бадиият билан боғлиқ ходисаларнинг чоғиштира таҳлили ва бошқа қатор омиллар тадқиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Муаммонинг аниқ кўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал ҳамда бадиий таҳлил усуллари билан асослангани «Лайли ва Мажнун» дostonи сюжетининг манбалари ва тарихий-тадрижий ривож масаласининг туркий ва ўзбек адабиётшунослигига оид ишончли манбалар асосида ёритилганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Мазкур тадқиқот иши муайян назарий қимматга эга бўлиб, унинг хулосалари ва илмий умумлашмалари ёзма ва оғзаки адабиётнинг ўзаро алоқалари, шунингдек айрим сюжетларнинг миллатлараро тарқалиш тамойилларини аниқлаш учун илмий асос бўла олади.

Диссертациянинг илмий хулосалари ва материалларидан олий ўқув юртларида мумтоз адабиёт ва халқ оғзаки бадиий ижодиёти фани бўйича махсус курслар ўтишда ва маърузалар ўқишда, академик лицейларда дарс машғулотлари олиб боришда, магистрант ва таянч дostonлар учун танлама фанлардан машғулот ўтказишда, битирув-малакавий ва курс ишлари ёзишда, ўзбек мумтоз адабиёт ва фольклоридан ўқув қўлланмалар дарслик мажмуалар, атамалар луғати яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

«Лайли ва Мажнун» дostonи сюжетининг илк манбалари, тарихий асослари, туркий ва ўзбек адабиётдаги ўзига хос бадиий талқинларини қиёсий тадқиқ этиш асосида олинган илмий натижалар қуйидагича жорийланди:

“Лайли ва Мажнун” дostonи сюжетининг ёзма адабиётга кириб келиши ва эволюцияси, дoston сюжетининг шаклланишига туртки бўлган асосий омиллар, мумтоз сюжет билан дostonнинг халқ вариантлари ўртасидаги алоқа хусусидаги илмий-назарий хулосалардан ЎзР ФА ҚҚБ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-О-43429 ФА –Ф1, ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” (2012-2016) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021-йил 24-майдаги 7.01/106-сонли маълумотномаси). Натижада “Лайли ва Мажнун” дostonининг қўлёзма варианты, ёзма адабиётдаги айрим манбалар, бахши репертуаридаги оғзаки вариантлар билан қиёсий ўрганиш асосида мумтоз сюжетнинг тарқалиш доираси ва ўзига хос хусусиятлари далилланган;

“Лайли ва Мажнун” достони сюжетининг илк манбалари ва унинг халқ орасида тарқалиши таҳлиliga бағишланган қисмидаги материаллардан ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1 “Қорақалпоқ фольклоршунослагии ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш (2017-2020) амалий лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 24 майдаги 7.01/106-сонли маълумотномаси). Натижада ёзма ва оғзаки адабиётнинг ўзаро алоқалари, айрим сюжетларнинг миллатлараро тарқалиш тамойилларини аниқлашга оид янги манбалар илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган.

“Лайли ва Мажнун” достонининг оғзаки вариантдан ёзма ижодга кириб келиши ва уни илмий жиҳатдан ёритиб бериш, асарнинг халфа вариантыдаги бадеҳагўёлик тамойилларини тадқиқ қилиш ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги “Ичан –Қалъа” давлат музей-кўриқхонаси тренинг фаолиятларида тадбиқ этилган. (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 10 майдаги “04-12-08-2386-сонли маълумотномаси). Натижада достоннинг ёзма ва оғзаки адабиётда тарқалган натижаларидаги умумийлик ва алоҳидаликларни таҳлил қилиш, достон бадииятига алоҳида муносабат билдириш каби масалаларга оид илмий-амалий тавсиялар тренинглр самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган.

“Лайли ва Мажнун” достони сюжетига оид турли афсона ва ривоятлар, достон воқеалари ичига Хоразм архаик эпосида учрайдиган азизлар образининг киритилиши ва бошқа турли мифологик лавҳалардан, Хоразмлик шоир Умар Боқий томонидан қиссахонларга мослаб яратилган насрий баёнидан фойдаланиш тўғрисидаги илмий-назарий хулосалардан Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди қошидаги “Авесто” музейининг фаолиятини амалга оширишда фойдаланилган (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг 2021-йил 11-мартдаги № 01-03-сонли маълумотномаси). Натижада “Лайли ва Мажнун” достонининг туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек адабиёти ва фольклоршунослигида тадқиқ этилиши тарихига оид маълумотлар асосида музейга ташриф буюрувчи ёшларга достон тарихи ва моҳияти ҳақида маълумот берувчи буклетлар тайёрланган.

“Лайли ва Мажнун” достони оғзаки ва ёзма вариантларига оид диссертация иши натижаларидан тасвирий ва амалий санъат наъмуналаридаги, қадимги туркий обидалардаги ва халқ оғзаки ижодидаги тарихий қаҳрамонлик образларининг тарихий илдизларини тадқиқ этишда илмий назарий ва амалий жиҳатдан фойдаланилган (ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Давлат илмий-техника дастури доирасида 2012-2016 йилларда амалга оширилган ФА-Ф1-ГО39-рақамли “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” номли фундаментал илмий лойиҳаси 2021 йил 11 июнь 1/216 сонли маълумотномаси). Натижада диссертация иши бўйича нашр этилган республика ва хорижий нашрларда, илмий -амалий анжуман материалларида

чоп этилган илмий мақолаларида акс эттирилган хулоса ва тавсиялари институтда амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларига тадбиқ этилган.

“Лайли ва Мажнун” дostonининг халқ вариантларига оид кўлёзма ва тошбосма нусхаларидан Хоразм Маъмун Академиясида фаолият олиб бораётган А-ФА-2019-9 шифрли “Қадимий ёзма ноёб кўлёзма ва манбаларни тадқиқ қилиш, уларни рақамлаштирилган кутубхонасини яратиш амалий лойихасида фойдаланилган (ЎзР ФА Маъмун Академиясининг 2021 йил 31 майдаги №76/2-21-сонли маълумотномаси). Натижада 17 (ўн етти та) ноёб кўлёмалар илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган.

“Лайли ва Мажнун” дostonи ёзма ва оғзаки материалларнинг ўзига хос бадий хусусиятлари ва унда ўз ифодасини топган миллий қадриятларнинг тарихий асосларига доир илмий-назарий хулосалар, жумладан, дostonнинг хоразмлик шоир Умар Боқий варианты таҳлил асосида чиқарилган назарий умумлашмалардан Хоразм вилоят телерадио компаниясининг “Қадрият” радио эшиттиришини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм вилоят телерадио компаниясининг 2021 йил 1 мартдаги 289-сонли маълумотномаси). Натижада Хоразм воҳаси халқ дostonларда ўз ифодасини топган умуминсоний қадриятлар моҳиятини кенг кўламда тарғиб этишга эришилган, маънавий - маърифий мавзудаги бошқа кўрсатув ва эшиттиришлар учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та (3 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 175 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг объекти, илмий янгилиги, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар, методологик асоси ва методи, илмий ҳамда амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши ва синовдан ўтиши, тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Лайли ва Мажнун» дostonининг тарихий асослари**» деб аталиб, икки фаслдан иборатдир. Биринчи фасл «**Достон сюжетининг илк манбалари ва унинг халқ орасида тарқалиш тамойиллари**» деб номланади. Ушбу фаслда дostonнинг илк манбалари ва унинг турли вариантлари ҳақида фикр юритилади.

Севги-садоқат, илоҳий ишқ саргузаштларини тараннум қилувчи, минг йиллар давомида халқнинг тилидан тушмасдан келаётган машҳур дostonлардан бири «Лайли ва Мажнун»дир. Дастлаб араб қабилалари орасида туғилиб илдиз отган мазкур сюжет форсий ва туркий халқлар адабиётида кўплаб асарларнинг яратилишига замин бўлиб хизмат қилди.

«Шекспирнинг шарофати билан Ғарб Ромео ва Жюлетта ҳақидаги ғамгин қиссадан баҳраманд бўлди, қайсики, бу асар Шарқда XIX асрга келиб машҳурлик қозонди. Бироқ Шарқда бундан кўп асрлар бурун “Лайли ва Мажнун» ҳақида яратилган ўзининг севги ҳақидаги ғамгин қиссаси мавжуд эди. Бу қисса ўтмишда ўнлаб шоирларнинг манбаига айланган ва ҳозирда ҳам қанчалаб шоир, драматург ва бастакорларга илҳом бағишламоқда»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, «Лайли ва Мажнун» жаҳон адабиётида севги ҳақида яратилган энг ғамгин қиссалардан биридир<sup>2</sup>. А.Навоийдан олдин ва кейин яшаб ижод қилган кўплаб форсийгўй ва туркийгўй шоирлар Лайли ва Мажнун образларини ўз асарларида севги-муҳаббатнинг илоҳий рамзи даражасида тилга олиб ўтишган.

VII асрларда араб ўлкаларида акс садо берган турли афсоналар кейинчалик кўплаб форсий ва туркий халқлар истиқомат қиладиган мамлакатларга ёйилган. Айрим маълумотларга қараганда бу сюжет асосида форсий адабиётда йигирмата, туркий, курд ва урду тилларида йигирма тўққизта дoston яратилган<sup>3</sup>.

XII-XVI асрлар давомида усмонли турк тилида 14, озарбайжон тилида 4, эски ўзбек тилида 2 та шоир «Лайли ва Мажнун» номли дostonни ёзишда ўз истеъдодларини синаб кўришган. Булар орасида Махтабий, Хотифий, Абдулло Бухорий, Вайс, Норий, Умар Боқий каби шоирлар бор<sup>4</sup>.

Араб халқ романлари устида тадқиқот олиб борган Н.Иброҳимовнинг таъкидлашича, Арабистонда етти ёшида қўй боқиб юрганида бўрига дуч келиб уни ўлдирган Антара ҳақида кўплаб ривоятлар тўқилиб, кейинчалик «сират» (халқ романи) юзага келган. Бироқ «Лайли ва Мажнун» ҳақида яратилган афсоналар бунга қараганда батафсилроқ ва кўпроқдир<sup>5</sup>.

«Лайли ва Мажнун» дostonининг генезиси ҳақида дастлабки тадқиқот олиб борган олимлардан бири И.Ю.Крачковскийдир. Адабиётшунос олим «Араб адабиётида «Лайли ва Мажнун» қиссасининг дастлабки тарихи» мақоласида Мажнун ва Лайли шахсларининг тарихий илдизлари ҳақида муҳим фикр ва мулоҳазаларни билдиради. Н.М.Маллаев ҳам ўз тадқиқотида ўша манбага асосланиб фикр юритганини қайд қилади. Биз ҳам ушбу мақола доирасида мулоҳазалар билдиришни мақул топдик. И.Ю.Крачковскийнинг тадқиқотида таҳлил қилинишича, Араб адабиётидаги манбалар орасида Абул-Фараж ал-Исфahонийнинг (897-967) «Қўшиқлар китоби», Ибн Қутайбининг (828-889) «Шеър ва шоирлар», ал-Волибийнинг (XII аср)

<sup>1</sup> Короглы Х.Г. Низами Гянджеви. – М.: Знание, 1991. – С. 29.

<sup>2</sup> Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: «Адабиёт ва санъат», 1974. Б. 156.

<sup>3</sup> Короглы Х.Г. Низами Гянджеви. С. 37.

<sup>4</sup> Нарзуллаева С. «Лайли ва Мажнун» сюжети тарихидан. // Филологик тадқиқотлар. - Т.: ТошДУ, 1970. - Б.136.

<sup>5</sup> Ибрагимов Н. Арабский народный роман. - Т.: “Фан”, 1984. - С. 91.

«Девони Мажнун» каби асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, Ибн Абд Раббихийнинг «Китоби иқд» асарида ҳам Мажнун ҳақида муҳим маълумотлар учрайди. Абул Фаражнинг кўрсатишича, Мажнуннинг асл исми Қайс бинни Мулаввах бинни Музоҳим бинни Адас бинни Рабиа бинни Жаъда бинни Каъб бинни Омардир.

Арабистонда IX-X асрларда яшаган ал-Шоҳиз, Ибн ал Мўътаз каби олимлар Мажнуннинг тарихий шахс эканлигини рад қилишади.

Н.Маллаевнинг Е.Э.Бертельс фикрларига таянган ҳолда таъкидлашича, Лайли ҳам тарихий шахс бўлган. Носир Хисрав (XIаср) ўзининг «Сафарнома» асарида Арабистонда бўлган чоғида унга Лайли яшаган кўрғоннинг харобаларини кўрсатишган эканлар<sup>6</sup>.

Шу тариқа Мажнун ва Лайли ҳақидаги афсона ва ривоятлар, шеърлар бутун Шарқ бўйлаб оғиздан-оғизга ўта бошлаган.

«Лайли ва Мажнун» ҳақидаги афсона ва ривоятлар VII асрдаёқ шаклланиб, Навоийгача ва Навоий яшаган даврларда ҳам халқ орасида айтилиб юрилган. Буни буюк шоир дostonнинг ниҳоясида алоҳида қайд қилиб ўтган:

Мазмунига бўлди руҳ майли,                   Лекин чу рақамға келди мазмун,  
Афсона эди анинг туфайли.               Афсона анга либоси мавзун...<sup>7</sup>

Лайли ва Мажнунлар ҳақидаги афсона ва ривоятларнинг Навоийдан кейин ҳам халқ орасида яшаб келганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки, сўнгги асрларда ҳам бу сюжет анча адибларга илҳом бағишлаганлиги маълум. «Лайли ва Мажнун» достони қўлёмаларининг бошқа ўзига ўхшаш дostonларга қараганда жуда кўп учраши ҳам бу асарнинг халқчиллик руҳидан дарак беради.

Тошкентнинг асосий кутубхоналарида бу дostonнинг 66 та қўлёмаси борлиги ҳақида маълумотлар бор<sup>8</sup>.

Бу қўлёмаларнинг барчаси бир вақтлари халқ орасида қиссахонлар томонидан ижро қилиб келинган. Бу ерда ижро сўзига, албатта, шарҳ бериб ўтиш лозим. Хоразмда (умуман Ўзбекистонда) қиссахонлар ва халфалар бирор дostonнинг қўлёмаси нусхасини ўқиганда матнни ёқимли овозда кироат билан «ярим куйлаш» оҳангида ўқиб беришади<sup>9</sup>. Шу сабабли бу услубни ижро деб аташ тўғрироқдир. «Лайли ва Мажнун» дostonининг қиссахонлар ва халфалар репертуарига ўтиши унинг кўп нусхаларда қўлёмаси ҳолида тарқалишига имконият яратди.

«Лайли ва Мажнун» дostonининг Андалиб варианти ҳақида тадқиқот олиб борган туркман олимларининг кўрсатишича, Туркменистон фанлар академияси Махтумқули номидаги Тил ва адабиёт институти қўлёмалар хазинасида мазкур дostonнинг 20га яқин қўлёмаси мавжуд бўлиб, уларнинг тўрттаси алоҳида бир мазмунга, тўрттаси эса улардан тафовут қиладиган

<sup>6</sup> Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Б. 157.

<sup>7</sup> Хамса.-Т.; «Фан», 1960. (Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев) Б. 454.

<sup>8</sup> Нарзуллаева С. Кўрсатилган мақола, 136-бет.

<sup>9</sup> Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик аъёнлари. Урганч, «Университет», 2008. Б.32.

бошқачароқ бир мазмунга эга. Қолганлари «Лайли ва Мажнун»нинг қисса шаклидаги нусхаларидир<sup>10</sup>.

Мана шу қисса шаклидаги кўлёмалар биз юқорида таъкидлаб ўтган қиссахонлар ва халфалар репертуарида яшаб келган дoston вариантларидир.

«Лайли ва Мажнун» дostonи бахшилар репертуарига ўтмаган. Чунки, асар сюжети ниҳоятда мунгли воқеалар тизимидан иборат бўлганлиги сабабли уни бахшилар тўй ва сайилларда куйламаганлар.

Дoston, асосан, ёзма нусхалар орқали оммалашган. Унинг айрим шеърлари хонандалар репертуарига ўтган, кекса санъаткорларнинг эслашларига қараганда «Лайли ва Мажнун»га алоқадор айрим шеърлар дарвеш ва қаландарлар томонидан кўшиқ оҳангида айтилиб келинган. Бу фикрга кўшилиш мумкин. Чунки «Лайли ва Мажнун»нинг Низомийга мансуб вариантыда сўфийликка хос мотивлар анча кучли эканлиги айрим тадқиқотларда қайд қилинган<sup>11</sup>.

Асардан олинган парчаларнинг доимо эл ошиб халқ орасида кезиб юрадиган дарвеш ва қаландарлар томонидан тарғиб қилиниши бу мунгли сюжетнинг доврў таратишига сабабчи бўлганлиги ҳақиқатдан йироқ эмас.

Кейинчалик асарнинг А.Навоий, Фузулий, Андалиб томонидан ёзма адабиётда доврў қозониши бу сюжетнинг зиёлилар, умуман, халқ орасида фаол оммалашшига кенг йўл очиб берган.

Бинобарин, «Лайли ва Мажнун» сюжетининг VII асрларда Арабистонда туғилиб, кейинчалик форсий, туркий халқлар истиқомат қиладиган худудларга тарқалиши мураккаб ва қизиқарли ходисадир.

**Бобнинг иккинчи фасли «Дoston сюжетининг ёзма адабиётга кириб келиши» деб номланади.** Шарқ халқлари орасида узоқ йиллар машҳурлик қозониб афсона, ривоят ва туркум шеърлар шаклида яшаб келган Лайли ва Мажнун ҳақидаги намуналар фақат Арабистондагина эмас, балки бошқа ўлкаларда ҳам талантли адиблар эътиборини ўзига торта бошлади.

Биринчи мартаба буюк Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ижодида Лайли ва Мажнун ҳақидаги қисса ўзининг тўла-тўқис бадий ифодасини топди, романик дostonчиликнинг буюк намунаси сифатида намоён бўлди.

Низомий Ганжавий (1141-1205) ушбу дostonини 1188 йил 24 сентябрда ёзиб тугаллайди. Шоир биринчи бўлиб Шарқда «Хамса»чилик анъанасини бошлаб берди. Дастлаб шеърлар ёзиб, ижод чўққиларини эгаллагач, катта эпик асарларга кўл урди.

Шоир «Лайли ва Мажнун» дostonини ўша давр анъанасига мувофиқ форс тилида ёзади. Дostonнинг XIV, XV, XVI бобларида адиб ўзининг боқийга кетган аждодлари, отаси, онаси, амакиси ҳақида сўз юритади<sup>12</sup>.

Низомий «Лайли ва Мажнун» дostonини араб халқи орасида тарқалган афсона ва ривоятлар асосида яратган бўлса-да, у бу афсона ва ривоятларни бадий жиҳатдан қайта ишлаб оригинал бир асарни вужудга келтирди.

<sup>10</sup> Мулкаманов А., Назаров Г., Чарыев М. Сўз устади. // Андалып. Ашгабат, «Туркменистан», 1991. Б.6.

<sup>11</sup> Короглы Х.Г. Низоми Гянджеви. С. 13.

<sup>12</sup> Низоми Генжеви. Собр. Соч. В пяти томах. Т.3. –М.: «Художественная литература», 1986. С.52-55.

Бинобарин, Низомий «Лайли ва Мажнун» асарида инсоний кадр-кимматни, соф севги-садоқатни, инсоният қалбидаги чексиз маънавий бойликни куйлади. Ўз бахти-иқболи, севги-садоқати йўлида ҳеч нарсадан кўрқмайдиган юксак иродали инсонлар тимсолини жонлантирди.

Навоий яшаган даврга келиб бу сюжетга қизиқиш доираси анча кенгайди. Навоийнинг дўсти бўлган Абу Саиднинг мулозими Амир Суҳайлий ҳам эски ўзбек тилида «Лайли ва Мажнун» асарини ёзади<sup>13</sup>. Алишер Навоий эса «Лайли ва Мажнун» достонини ёзишдан олдин араб манбаларидаги ривоятларни пухта ўрганиб чиқиб, Низомий, Амир Хусрав Дехлавий, Ашраф ва Амир Шайхим Суҳайлийларнинг «Лайли ва Мажнун» достонлари билан муфассал танишиб чиққан<sup>14</sup>.

Алишер Навоий афсона ва ривоятларни пухта ўрганиб чиқди. Бирок унинг асл мақсади «афсона» сўзлаш эмас, балки «мазмун» баён этишдир. «Афсона» асарнинг «мавзун либоси» бўлса, ҳаёт, Навоий яшаган муҳит масалалари асарнинг мазмуни, моҳиятидир<sup>15</sup>.

Навоий Низомий «Лайли ва Мажнун» ига баҳо бериб, уни «қалъа»га, Амир Хисрав достонини яхши безанган «қаср»га ўхшатар экан, ўз асарини «қалъа» ва «қаср» атрофидаги «шаҳар» ва «боғ»га нисбат беради<sup>16</sup>.

Навоий «Лайли ва Мажнун» достонини яратар экан, ўзбек достоннавислигида янги саҳифа очди. Асарда бирорта ортиқча, киши эсида қолмайдиган образ йўқ. Унинг марказида Мажнун инсонпарвар, адолатпарвар, олийжаноб, ўз навбатида исёнкор шахс сифатида намоён бўлиб туради. Мажнун Алишер Навоий бадий тафаккурининг тухфаси бўлиб, энг ёрқин тимсол сифатида жилоланиб туради.

Ҳар қандай ёзувчи бирор асар яратганда воқеалар тасвирида ўзи ҳам қалбан аралашиб юради. Айрим образларда ўз истакларини баён этади.

Низомий ҳам ўз ҳаётидаги кўпгина саргузаштларини Мажнун образига кўчиради. Бу асарда Низомий билан Мажнун руҳий олам жиҳатидан жуда яқиндир<sup>17</sup>.

Навоий ҳам «Лайли ва Мажнун» достонининг ўз шахсий ҳаётига алоқаси борлигини яширмаган. У ҳам севган ва айрилган, худди Мажнундек, уйланмай дунёдан ўтган<sup>18</sup>.

«Лайли ва Мажнун» достони Навоий ижодида катта ўрин тутди.

Буюк Озарбайжон шоири Фузулий Муҳаммад Сулаймон ўғли (1498-1556) ана шу анъанани муваффақиятли давом эттирган адиблардан биридир. У озарбайжон, форс, араб тилларида ижод қилган. Шоирнинг отаси Баёт уруғидан бўлиб XV асрда Озарбайжондан Бағдодга кўчади. Фузулий Бағдод мадрасасида таҳсил олади, у туркийдан ташқари форс, араб тилларини ҳам яхши эгаллаган. Шоир Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижоди билан яқиндан таниш бўлади ҳамда улар анъанасини давом эттиради. Фузулий

<sup>13</sup> Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана. –М.: Наука, 1988. С.290.

<sup>14</sup> Аҳмедов Т. «Лайли ва Мажнун». // Ўзбек адабиёти тарихи, II том.-Т.: «Фан», 1978. Б.258.

<sup>15</sup> Маллаев Н. Кўрсатилган асар, 160-бет.

<sup>16</sup> Ўзбек адабиёти тарихи, II том. Б. 259.

<sup>17</sup> Короглы Х.Г. Низами Гянджеви. С. 35.

<sup>18</sup> Тўйчиев У. Кўрсатилган мақола. Б. 25.

ижодининг чўққиси «Лайли ва Мажнун» достони (1536-37)дир. Адиб анъанавий сюжетга мурожаат қилса-да, ўз қаҳрамонларига янгича руҳ бағишлади. Севги фожиасини замонасига яқинлаштирди, миллий колорит бахш этди. Шеърий баёнда маснавийдан ташқари, ранг-баранг шаклларга қўл урди. Асар ўрта озарбайжон тилида ёзилгани учун бошқа туркий халқлар орасида ҳам тезда машхур бўлиб кетди.

Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» достинини Озарбайжончадан Холид Расул нашрга тайёрлаган<sup>19</sup>. Нашрга тайёрловчининг муваффақияти шундаки, асарнинг озарбайжонча услубига халал етказмаган ҳолда ўзбек ўқувчисига воқеаларни тушунарли тарзда баён қилиб бера олган.

Фузулий анъанавий сюжет асосида гўзал бир асарни яратди. Достондаги тасвирда шеъриятнинг турли жанрларига мурожаат этди. Воқеалар тақозоси билан асарнинг лозим бўлган жойларида образларнинг монологи тарзида 24 ғазал ва ҳар бири 7 банддан иборат иккита мураббаъ шаклидаги шеърни дoston таркибига киритди. Бундан ташқари ҳар бир бобдан кейин “Тамомийи суҳан” сарлавҳаси остида яқунловчи шеър илова этилган, шунингдек, соқийномаларга ҳам мурожаат қилинган. Асар охирида таърих жанридан ҳам фойдаланилган. Асар дебочасида тўртта рубоий берилган бўлиб, шаклан таронаи рубоийга асосланган. Натижада асар ранг - баранг шеърий жанрлар билан безалган. Ғазалларнинг берилиши образларнинг ички туйғуларини жўшқин бир тарзда ифодалаш имкониятини рўёбга чиқарган.

Бинобарин, Фузулий ўз устозлари асарларидан илҳомланган ҳолда бу қадимий сюжетни ўз дунё қараши нуқтаи назаридан янгича талқин қилишга эришди.

«Лайли ва Мажнун» достони сюжетиға Фузулийдан кейин ҳам кўпгина адиблар қўл уришди. Шулардан бири хоразмлик Нурмуҳаммад Андалибдир.

«Нурмуҳаммад Ғариб Андалиб 1710-11 йилда туғилиб, 1770-71 йилда вафот этган туркман ва ўзбек шоиридир»<sup>20</sup>. Шоир Кўҳна Урганчининг Қорамози қишлоғида дунёга келган.

Андалиб ижодида унинг «Лайли ва Мажнун» достони муҳим ўрин тутди. Асарнинг 1991 йилдаги туркманча йиғма нашри анча мукамал бўлиб, нашрга тайёрловчиларнинг таъкидлашларича, илгариги нашрларда дoston таркибига кирмаган 9 шеър бу нашрдаги матн ичига қамраб олинган<sup>21</sup>. Сюжет илгари адибларнинг асарларидаги мазмун билан, асосан, мос келади. Лекин Андалиб достонида Навоий ва Фузулий асарларидаги воқеалардан фарқ қилувчи деталлар анчани ташкил этади.

Аввало шуни айтиш керакки, Андалиб ўз асарини назм ва наср аралаш ҳолда халқ дostonлари услубида ижод қилди. Достоннинг тил хусусиятлари, баён услуби, шоирнинг шеърий жанрлардан фойдаланиш маҳорати Хоразмда тарқалган халқ дostonларидан деярлик фарқ қилмайди. Дoston таркибидан 22 мухаммас, 1 мусаддас, 5 мустаҳзод, 12 ғазал ўрин олган. Қолган барча

<sup>19</sup> Муҳаммад Фузулий, асарлар. II жилдлик, II жилд.-Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1968, 3-181-бетлар.

<sup>20</sup> Ўзбек энциклопедияси, I том. –Т.: “Фан”, 1971.Б.357.

<sup>21</sup> Ўша манба, 11-бет.

шеърий парчалар мураббаълардан иборат бўлиб. Улар 84 мисрани ташкил қилади. Достон тилининг лексик хусусиятлари, шеърий жанрларнинг мукамаллиги ва ранг-баранглигига қараганда Андалиб мадраса таълимини олган, форс ва араб тилларини яхши эгаллаган, юксак маърифатли зиёли бўлиб чиқади.

Достон ёзма адабиётга мансуб бўлсада, кўп жиҳатлари билан халқ достонларига яқин туради. Унда фольклорга хос мифологик тасвирлар анчани ташкил қилади.

Бинобарин, Андалиб ижоди XVIII –XIX аср ўзбек ва туркман адабиёти ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Айниқса «Лайли ва Мажнун»достони Хоразм воҳасида қиссахонлик анъанасининг тараққиётига самарали таъсир кўрсатди. Шу сабабли Андалибнинг «Лайли ва Мажнун»достони қиссахонлар томонидан кўплаб нусхаларда қайта кўчирилган ва ҳар бир нусха бир – биридан вариант берарлик даражада фарқларга эга. Бу ҳолат мазкур достоннинг оммавийлик даражасини ҳам белгилайди.

Боб охирида ҳар икки фаслда кўйилган масалалар бўйича қисқача хулосалар берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Достон вариантлари**» деб номланиб, унинг биринчи фасли **Хоразмдан янги топилган қўлёзма нусха** таҳлиliga бағишланади. Эпик асарларнинг халқ орасида оммалашishi шу пайтгача турли усуллар орқали амалга ошириб келинган. Уларнинг асосий ижрочилари оғзаки достон куйловчи бахшилар бўлса-да, сўнгги даврларда эпик асарларни ёзувга кўчириш ва уларни кироат билан махсус аудиторияларда ижро этиш усули ҳам фаолият кўрсата бошлаган.

Ёзувга кўчирилган бундай достонларни В.М. Жирмунский ва Ҳ.Т. Зарифовлар «халқ романи» деб атасалар<sup>22</sup>; Т.Мирзаев ва Б. Саримсоқовлар «қисса-достон», «китобий достон»<sup>23</sup>; Холид Расул эса «халқ китоблари»<sup>24</sup> тарзида номлайдилар.

Баъзи тадқиқотчилар бу тоифа асарларни айрим жойларда халқ китоблари тарзида қайд қилсаларда, мумтоз адабиёт билан халқ эпик ижодиётини ўзаро бириктирувчи кўприк вазифасини бажарувчи оралик шакл деб белгилайдилар<sup>25</sup>. Бу фикрни сал олдинроқ В.Абдуллаев ўз тадқиқотларида баён қилган эди<sup>26</sup>.

«Лайли ва Мажнун» достонининг қиссахонлар ва халфалар ижросида ўқиб келинган мукамал вариантларидан бири 2008 йилда чоп этилган<sup>27</sup>. Бу қўлёзма нусха Хонқа туманида яшаган Шукур халфадан ёзиб олинган бўлиб, таркибида байт сарлавҳаси остидаги 2 та шеър, 3 мухаммас, 2 маснавий, 5

<sup>22</sup> Жирмунский В.М. , Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. –М.: ГИХЛ., 1947. С. 292, 350.

<sup>23</sup> Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. –Т.: “Фан”, 1979. Б. 14.

<sup>24</sup> Расулов Х. Ўзбек эпик шеърлятида халқчиллик. –Т.: “Фан”, 1973. Б.10.

<sup>25</sup> Бобоев М. Халқ китобларидаги бир бошлама ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003, №1, 44-46-бетлар; Жуманиёзов Р. Донг қозонган достон. –Т.: “Мерос” 19963. Б.7.

<sup>26</sup> Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”, 1967. Б. 34.

<sup>27</sup> Ошиқнома, 3-китоб. Урганч, “Хоразм”, 2008. 186-230-бетлар.

ғазал бор. Қолган шеърый парчалар мураббаъ шаклида берилиб, жами 880 мисрани ташкил этади. «Хоразмда тарқалган кўлэзма достонлар одатда туркманлар орасида тарқалган кўлэзма нусхаларга анча мос келади. Бирок «Лайли ва Мажнун» нинг ушбу нусхаси алоҳида оригиналликка эга бўлиб, бошқа туркий нусхалардан, жумладан, Андалиб достони сюжетида ҳам бирмунча фарқ қилади. Бу нусха номаълум хоразмлик ижодкор қаламига тегишли бўлса керак»<sup>28</sup>.

Достоннинг дебеча қисми, таркибида байт сарлавҳаси остидаги шеър ва ғазал, мухаммас каби жанрлардан фойдаланилиши, айрим иборалар ва бирикмалар унинг Фузулий варианты билан анча ўхшаш эканлигини кўрсатади.

Бу достонда ҳам воқеа ўрни ўзгармаган. Унда ҳикоя қилинишича, «Бағдод билан Басра ўртасида битта араб жамоаси бўлиб, унинг ҳокими фарзандсизликдан алам чекар эди. Кутилмаганда унга тангри таоло битта қиз фарзанд ато қилади. Бу қиз ниҳоятда гўзал эди».

Достоннинг шу жойида фарзанднинг таърифи маснавий орқали ифодаланади:

Хуршид каби қобилу комил,  
Исо каби тифлликда шомил.  
Шод ўлди ўғул юзидин ота-она,  
Шукронаға берди чу писари фарзона. (186-бет.)

Шу нарса эътиборни тортадики, ушбу таъриф Фузулий достонидаги мисраларга жуда ҳамоҳанг келади:

Шод ўлдилар андан ота-она,  
Шукрона верилди чўх ҳазона.  
Хуршид киби камола қобил,  
Исо киби тифлликда комил. (19-бет.)  
Туғилган фарзандга Қайс деб исм қўйишади.

Достонни ижод қилган номаълум муаллиф асардаги айрим лавҳаларга қараганда Навоий, Фузулий ва Андалибларнинг «Лайли ва Мажнун» асаридан бохабар бўлган.

Асарнинг Фузулий ижоди билан боғлиқ айрим жиҳатларини юқорида қайд қилиб ўтдик. Достон ижодкорининг асар ниҳоясида «Хамса»дан бир байт” рукни остида Навоийдан бир байт олиб достонни яқунлаши унинг улуғ шоир ижодидан ҳам баҳраманд эканлигини кўрсатади:

Бир наъшға солдилар иковни,  
Жонсиз келину ўлик куёвни. (230-бет.)

Хоразм вариантыдаги наср намуналарининг Андалиб достонидаги насрий услубга жуда яқинлиги номаълум муаллифнинг мазкур асар билан ҳам таниш эканлигидан дарак беради.

Хоразм вариантыда ҳар бир образнинг киши ёдида қоладиган индивидуал киёфада ўзини намоён қилади. Энг асосий эътибор Лайли ва

<sup>28</sup> Рўзимбоев С. Ватанпарварлик, соф севги, юксак иймон ва эътиқодни улуғловчи асарлар. // Ошиқнома, 3-китоб, 5-бет.

Мажнун образларининг илоҳий ишқ тимсоллари сифатида ёритиб берилишидир. Мажнуннинг туғилиши туш мотиви билан боғланган. Унинг отасининг тушига Азизлар кириб, Қайснинг туғилганидан кейинги тақдирини башорат қилади: назари баланд, покиза юракли бўлур деб кўздан ғойиб бўлади.

Азизлар билан алоқадор мотивлар Хоразмда яратилган дostonларда тез-тез учраб туради.

Г.П.Снесарев бу азизларни Хоразмда мусулмонликкача бўлган даврда пайдо бўлган мифик жонзот, муқаддас ҳомий, балиқчилар пири сифатида эъзозланадиган, ҳамиша сув ва сув бўйларида ҳаёт кечирадиган Сочли ота образи билан боғлайди<sup>29</sup>.

Мазкур вариантда севишганларнинг орзу истаклари, қалб изтироблари мухаммас жанри орқали баён этилган. Адибнинг бундан асосий мақсади дил изҳорини баён этаётган лирик қаҳрамоннинг мунгли сўзларини таъсирчан ифодалашдир.

Хоразм вариантыда асосий эътибор Лайли ва Мажнунлар образининг тасвирига қаратилган. Уларнинг туғилишидан бошлаб, фожеали ўлимигача бўлган барча саргузаштлар ҳаёжонли лавҳаларда ўз аксини топган.

Ушбу дostonнинг ўзидан олдинги яратилган асарлардан асосий фарқ қиладиган томони унда Зайд образининг тўла қонли ёритилганлигидир. Барча образлар нуқтаи назаридан олиб қараганда Зайд Лайли ва Мажнунлардан кейинги асосий фигура бўлиб кўзга ташланади. Маълумки, бу образ ёзма адабиётга алоқадор «Лайли ва Мажнун» дostonларида, асосан, мактубларни элтувчи эпизодик характердаги шахс сифатида тасвирланган.

Мазкур дoston услуб жиҳатидан Андалиб дostonи каби наср ва назмда ёзилган. Тил хусусиятлари ҳам ўзаро яқин бўлиб қиссалар услубига мос келади. Шу билан бирга Хоразм вариантынинг шеърый қисми тўлалигича янгидан ишланган. Насрий қисм эса ихчамлаштирилган. Айниқса, асарга азизлар ва Хизр образларининг киритилиши дostonда бир томондан мифологик лавҳаларнинг бўрттирилишига олиб келган. Қолаверса, азизларнинг тилга олиниши унда маҳаллий колоритнинг мужассамлашишига олиб келган.

Асар ижодкорининг талант ва қобилиятга эга эканлиги дoston таркибидаги арузда ёзилган шеърый парчалар орқали яққол кўринади. Асардаги байт сарлавҳаси остидаги шеър ва мухаммас, маснавий каби жанрлар аруз қонун-қоидаларига тўла риоя қилинган ҳолда яратилган. Мумтоз жанрларга оид шеърлар, асосан, рамал баҳрларида, баъзан ҳазаж баҳрларида битилган. Бунинг асосий сабаби ушбу баҳрларнинг енгил ўқилиши ва муסיқавий оҳангга мойиллигидир.

Бинобарин, «Лайли ва Мажнун»нинг Хоразм варианты наср ва назм аралаш яратилган бошқа қўлёзма нусхалардан баён услуби, бадиияти жиҳатида деярлик фарқ қилмайди.

---

<sup>29</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. –М.: «Наука», 1969. С. 327.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли «Достоннинг Фозил Йўлдош ўғли варианты» таҳлилига бағишланган.

Ўзбек достончилиги анъаналарини янги босқичга кўтариб ажойиб эпик асарларни авлодларга етказган талантли бахшилардан бири Фозил Йўлдош ўғлидир. Фозил шоир қаҳрамонлик достонлари билан бирга романик характердаги асарларни ҳам мароқ билан куйлаб юрган. Шулардан бири «Лайли ва Мажнун»дир. Ҳоди Зарифнинг таъкидлашича, унинг репертуаридаги «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби достонлар классик адабиётнинг, хусусан, халқ орасидаги Навоийхонликнинг таъсирида пайдо бўлган<sup>30</sup>. Шунини таъкидлаш лозимки, Фозил шоир «Лайли ва Мажнун» достони мазмунини Навоий «Хамса»сидан ўзлаштириб олгани ҳолда бутунлай қайта ишлаган. Бошқача айтганда «Ошиқларни мурод-мақсадига етказган»<sup>31</sup>. Достон 1968 йилда чоп этилган<sup>32</sup>.

Достоннинг муқаддима қисми Хоразм вариантыдаги бошланмадаги воқеаларга ўхшаб кетади. Бу ердаги тавсифда ҳам Қайснинг тинмасдан йиғлаши, Лайли билан онасининг уларнинг уйига келиши ва унинг йиғидан тўхташи эпизоди мавжуд. Кейин улар мактабда бирга ўқишади.

Энг аввало шунини таъкидлаш лозимки, достонда шеърий қисмнинг салмоғи катта. Бахши насрда айрим тафсилотларни ҳикоя қилса-да, эпик баённи шеърий мисраларда ҳам давом эттиради. Воқеалар тасвирини шеърий мисралар орқали янада таъсирчанроқ ифодалашга ҳаракат қилади.

Фозил шоир вариантыда ҳам мифологик лавҳалардан лозим ўринларда фойдаланилган. Лайлини ҳақимнинг ўғлига никоҳлаб бергандан кейин бўлажак куёвга ғойибдан бир дард берилади. Мана шу сабаб воқеаларнинг бирдан ўзгаришига олиб келади. Унинг дард орттириши Лайли билан боғланади ва ундан воз кечишади. Бу воқеадан кейин Лайли Мажнунга нисбатан янада кучлироқ интила бошлайди.

Фозил шоир асарида бошқа достонларда бўлмаган Хоруни Рашид образи учрайди. Бу образ фаолияти Новпал билан параллел равишда кўзга ташланади. Бу иккала образ Мажнунга ёрдам кўлини чўзиш, уни девоналикдан қутқариш учун барча имкониятларни ишга солишади. Фозил шоир бу образларни Мажнуннинг садоқатли ошиқ, ишқ йўлида фидоийликка бел боғлаган иродаси мустаҳкам, етук шахс эканлигини кўрсатиш учун асар воқеалари ичига олиб кирган.

Бу достонда илгариги ижодкорлар томонидан анъанавий равишда тасвирлаб келинган Зайд образи берилмаган. Унинг айрим хизматларини бахши карвон ва чўпон образлари зиммасига юклайди.

Фозил шоир достоннинг аксарият жойларида анъанавий ҳомийлар-Хизр, эранлар, чилтанлар бажарадиган ишларни бошқача тарзда ифодалашга ҳаракат қилади. Кўп ҳолларда туш мотивига мурожаат қилади.

Фозил шоирнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари ҳақида гап кетганда тадқиқотчилар бу асарларда А. Навоий достонларининг

<sup>30</sup> Ўша жойда, 13-бет.

<sup>31</sup> Ўша жойда, 14-бет.

<sup>32</sup> Лайли ва Мажнун. – Т.: Фан, 1968. (Нашрга тайёрловчи М.Афзалов)

кучли таъсири мавжуд, деган хулосага келишади<sup>33</sup>. Бу фикрни инкор қилиб бўлмайди, албатта. Лекин Фозил шоир яратган ушбу дostonни таҳлил қилиш тадқиқотчиларнинг юқоридаги фикрига айрим қўшимчалар киритишни тақозо қилади. Дostonнинг муқаддимаси Хоразм ва Фузулий вариантларининг муқаддимасига, асосан, мос келади. Қолаверса, бу кўринишдаги бошланма Андалиб дostonининг айрим қўлёмаларида ҳам учрайди<sup>34</sup>. Демак, Фозил шоир А. Навоий асарининг мазмуни билан таниш бўлишдан ташқари Фузулий, Андалиб ва «Лайли ва Мажнун» нинг халқ орасида тарқалган бошқа қўлёмалари билан ҳам таниш бўлган. Агарда шундай бўлмаса, асар муқаддимаси А.Навоий дostonидагидан фарқ қилиб, юқорида тилга олинган асарлар муқаддималари билан уйқаш келмаган бўлар эди.

Бинобарин, «Лайли ва Мажнун» дostonининг Фозил шоир томонидан яратилишида ушбу кўхна сюжетга мурожаат қилган кўплаб ижодкорлар асарларининг самарали таъсири ўзини намоён қилиб туради.

Мазкур бобнинг учинчи фасли «**Дostonнинг Умар Боқий варианты**» таҳлилига бағишланган.

Умар Боқий XVIII асрнинг II ярми ва XIX асрнинг бошларида Киromий, Роқим, Нишотий, Андалиб, Мунис каби шоирларга замондош сифатида Хоразмда яшаб ижод этган адиблардан биридир<sup>35</sup>.

Умар Боқийни ҳам шоир, ҳам ёзувчи сифатида баҳолашга ҳамма асослар бор<sup>36</sup>. «Лайли ва Мажнун»даги келтирилган шеърый парчалар Умар Боқийнинг оригинал, соҳиб қалам шоирлигидан дарак беради<sup>37</sup>.

Адиб мадраса таълимини олган, араб ва форс тилларини эгаллаган, Низомий, Навоий, Фузулий каби буюк шоирлар ижодидан бохабар бўлган ўз даврининг етук зиёлиси сифатида гавдаланади. Унинг «Лайли ва Мажнун», «Фарход ва Ширин» дostonлари бунинг яққол ифодасидир.

Умар Боқийнинг асосий хизматларидан бири ёзма адабиётдаги нодир намуналарни халқона талқин қилиш орқали оммавийлаштиришдир. Унинг насрда баён қилинган «Лайли ва Мажнун» дostonи гарчи ўша давр зиёллари, қиссахонларига мўлжаллаб яратилган бўлса-да, бу асар ўша қиссахонлар орқали оддий кишиларгача етиб борди. Чунки қиссахонларни фақат зиёллар эмас, балки бахшилар, Хоразмдаги халфалар ҳам тинглаб, ўрганиб, ўша асарларни халқ орасида янада кенг тарғиб қилишган.

Бизнинг қўлимизда бу асарнинг 46 саҳифадан иборат тошбосма нусхаси мавжуд<sup>38</sup>. Китобнинг тузилиши 4 қисмни ташкил этади. Муқаддима қисмидан кейин «Мажнунни Навфалға учрашгани ҳикояси», «Мажнунға Навфални қизини сўз солдириб тўй қилғони», «Мажнун била Лайлининг

<sup>33</sup> Қаранг: Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Б. 289-бет; Афзалов М. «Фарход ва Ширин» дostonининг халқ варианты ҳақида // Фозил шоир, 83-бет.

<sup>34</sup> Ўзбек адабиёти тарихи, III том. – Б. 358.

<sup>35</sup> Ўзбек адабиёти тарихи, III том. – Т. «Фан», 1978. – Б.161.

<sup>36</sup> Ўзбек насри тарихидан. – Т. «Фан», 1982. – Б. 90.

<sup>37</sup> Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Б. 256.

<sup>38</sup> Китоби «Лайли ва Мажнун». – Тошкент, 1910. (Ғулом Ҳасан Орифжонов босмаҳонаси).

финоқ меҳнатида бир-бирлариға жон нисор қилғонлари» каби мавзулар остида тафсилотлар берилган.

Достон, асосан, насрий баёндан иборат бўлишига қарамай унинг таркибига 68 мисра шеър киритилган. Бу шеърларнинг бир қисми шоирга тегишли, каттароқ қисми достондаги лирик сахналарни тўлдиради. Уларнинг барчаси маснавийда битилган.

Умар Боқий қаламига мансуб бу асарнинг дастлабки саҳифалариданоқ, унинг муаллифининг юксак билимдон эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Асар таркибида Қуръон оятлари, сажъ усуллари, шеърый кистирмалар, бадий нутқдаги сержило оҳанглар киши эътиборини дарҳол ўзига жалб қилади. Ўз навбатида асарда форсий, арабий лексикага ҳам кенг ўрин берилган.

Достонда анъанавий сюжет берилган бўлиб, адиб унга айрим ўзгаришларни олиб кирган. Унинг таъкидлашича, «Лайли ва Мажнун» дин неча ҳикояларни тартиб бирла зоҳир” қилган.

Китоб охирида уни 1328 ҳижрийда (мелодий 1910) Абдулҳамид қори Жалолободий кўчирганлиги қайд қилинади.

Умар Боқий вариантида илгариги вариантларда иштирок этган образларнинг деярлик барчаси фаолият кўрсатади. Аммо уларнинг образларида муайян ўзгаришлар, қайта ишлашлар кўзга ташланади.

Умар Боқий «Лайли ва Мажнун» сюжетини насрий баёнга ўтказишда воқеаларни мухтасар ҳикоя қилиш йўлини тутган. Шу сабабли образлар фаолиятини қисқа тарзда ёритиб ўтган. Зайд билан алоқадор бўлган Зайнаб образи умуман воқеалар оқимидан тушириб қолдирилган.

Адиб ушбу достонини яратишда анъанавий сюжетни сақлаган ҳолда уни таъсирчан ифодалаш учун ўз бисотидаги барча лексик бойликлардан фойдаланган ҳолда насрий меросимизни бойитишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган.

Умар Боқийнинг ушбу асари ёзма адабиёт билан оғзаки адабиётнинг қоришиқ кўринишидир. Шу сабабли уни ёзма адабиётга ҳам, оғзаки адабиётга ҳам татбиқ қилиш мумкин.

**Диссертациянинг учинчи боби «Достон вариантларининг бадий хусусиятлари»** деб номланиб, унинг биринчи фасли «Ёзма нусха бадий тилининг ўзига хос хусусиятлари» тарзида берилган. «Лайли ва Мажнун» достонининг ёзма адабиётдаги вариантлари, хусусан, А.Навоийнинг «Хамса»сига кирган достонлар, улардаги образлар, асарларнинг бадиияти хусусида кўплаб тадқиқотлар яратилган ва бу достонлар кўплаб дарсликларда ҳам ўзининг чуқур таҳлилига эга бўлган. Шу сабабли биз ушбу бобимизда «Лайли ва Мажнун»нинг қўлёзма нусхаларини бадиият томонидан таҳлилга тортамыз.

Ўзбек адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида достонлар бадиияти масаласи анча кенг доирада ўз таҳлилига эга бўлган<sup>39</sup>. Шунини қайд қилиш

<sup>39</sup> Қаранг: Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М. ГИХЛ, 1977; Саидов М. Ўзбек достончилигида бадий маҳорат. –Т. Фан, 1969; Мирзаев Т. Эпос и сказител. –Т. Фан, 2008; Рўзимбоев С. Хоразм достонлари. – Т. Фан, 1985; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Т. Фан,

лозимки, «Лайли ва Мажнун»нинг Хоразмдан топилган ва Фозил шоир куйлаган вариантлари ҳақида ҳозиргача бирорта тадқиқот яратилган эмас.

«Лайли ва Мажнун»нинг Хоразмдан топилган варианты қўлёзма шаклда бўлганлиги сабабли унинг лексикасида эски ўзбек тили устуворлик қилади. Шу билан бирга форс ва араб тилига оид ўзлашма қатлам алоҳида кўзга ташланиб туради. Шу сабабли унда оғзаки ва ёзма адабиётга хос қоришиқ хусусият намоён бўлади. «Лайли ва Мажнун» достони Хоразмда бахшиларнинг оғзаки репертуарига ўтмасдан фақат қиссахонлар томонидан ўқиб келинганлиги сабабли улар қачон кўчирилган бўлса, ўша даврдаги тил хусусиятларини барқарор сақлаб келган. Албатта, дoston лексикасини, ундаги туркий, форсий, арабий қатламларга оид сўзларни таҳлил қилиш тилшуносликка алоқадор масаладек туюлса-да, мазкур муаммога доир айрим фикрларни айтиб ўтиш фольклор асарларининг қўлёзма нусхалари билан дахлдор айрим ечилмаган масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради. Дoston тилига эътибор берилса, унинг ижодкорининг туркий тилдан ташқари форс тилини билган ва мадраса таълимини олган, истеъдодли ижодкор эканлиги сезилиб туради. Асар муаллифи ўша даврда расм бўлган эски ўзбек адабий тили қоидалари доирасида фаолият кўрсатган. Шу билан бирга дoston лексикаси ўғуз лаҳжаси билан боғлиқ анчагина сўзларни ўз ичига қамраб олади. Унда: ўвбо-маҳалла; қопу-эшиқ; ис-ҳид; коса-пиёла; кун ўрта-туш пайти; хўшлашмоқ –хайрлашмоқ; дўнмоқ-ўзгармоқ, айланмоқ; данг-душ-тенгқур каби кўплаб сўзлар ишлатилган.

Дostonда форс тилига оид сўзлар айниқса кенг доирани ташкил этади: писар-ўғил; зан-аёл; бод-шамол; бадруй-хунук; кас-киши; урён-яланғоч; нисор-фидоий; дурафшон-порлоқ. Форсий қатламдан кейин арабий лексика ўзини намоён қилиб туради: Мавозин-азон айтувчи; мужовир-муқим яшовчи; Наъш-тобут; махфил-йиғин; масхуб-ҳамсуҳбат; унс-улфат; уқбо-охират; абёт-икки мисралик шеър; хуршид-куёш; заифа-аёл; маҳв-йўқ қилиш; тажалло-қўриниш; талъат-қиёфа каби.

Дostonда ўзлашма қатламнинг устуворлиги синонимик ифодаларнинг ранг - баранг кўринишларини рўёбга чиқарган. Асарда биргина Худо сўзининг 9 шакли, дунё сўзининг бешта муқобили келтирилганлиги бунга далил бўла олади. Ўзлашма лексика асарда поэтик руҳни баркамоллаштиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Хоразм дostonларида айрим сўзлар ёки грамматик гуруҳларнинг такрор қўлланилиши ва турли стилистик ҳолатларни юзага келиши тез-тез учраб туради. Ушбу хусусият “Лайли ва Мажнун” дostonида ҳам ўз аслини сақлаб қолган. Бу усул бир томондан аллитерацияга хос оҳангни юзага келтиради, иккинчи томондан таъкидни кучайтиришга хизмат қилади. Бу усулни куйидагича тасниф қилиш мумкин:

---

1978; Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Т. Фан, 2009; Жуманазаров У. Эл суйган бахшининг эпик олами. – Т. Фан, 2008; Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти; - Т. Фан, 1994; Мирзаева М. Ўзбек халқ дostonларида туркумлик; - Т. Фан, 1985; Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси. – Т. Фан, 2004; Ўзбек фольклоршунослиги масалалари, II китоб. – Т. Фан, 2010 ва бошқалар.

1. Равишдошнинг такрорланиб, лирик қаҳрамон руҳиятини очиб беришда ҳал қилувчи рольни бажариши: Мажнун орқасига **қорий-қорий** қайтди. (219-бет.) **Дўна-дўна** мани гирён айладинг. (207-бет.)

2. От, сифат, сон туркумларининг такрорланиши орқали турли услубий ифодаларнинг юзага келиши: Андин сўнг булар **жойли-жойига** қайтдилар. (211-бет.) Сийнам узра **турлик-турлик** яродур. (211-бет.) Соннинг равишга айланиши асносида маъно кучайтириш имкониятини яратиш: Заифалар **бирин-бирин** ташқариға чиқдилар. (188-бет.)

3. Синонимлар такрори негизда услубий ҳолатни рўёбга чиқариш: Мажнуним мани изламиш,

**Жигар-бағрин** тузламиш. (205-бет.)

Сўрмоқға лабларинг **асалу қандин**,

Рақибларинг захрин тотмоқа келдим. (214-бет.)

4. Антонимлар такрори негизда маънонинг ифодавийлигини ошириш: Бир мартабада турмас эрмиш **шоҳ** била **дарвеш**,

Бас жандами кийдим ўзимни дарбадар эрдим. (213-бет.)

Юқорида қайд қилинган тасвир усулларининг барчаси асар тилининг мукамаллигини таъминлагани ҳолда бадий нутқнинг таъсирчанлиги ва ифодавийлигини янада оширади.

«Лайли ва Мажнун»нинг мазкур вариантида тилнинг морфологик тузилиши ҳам ўзига хослик касб этади. Масалан, сўроқ олмошининг қайда шакли қанда тарзида қўлланилади:

Қолмади қарор **манда**, Эмди манго сан **қанда**. (217-бет.)

Тадқиқотларда кўрсатилишича, сўроқ олмошининг қанда, қайуда шакллари XIII-XIV асрларга оид ёдгорликларда, хусусан, Сайфи Саройи асарларида ишлатилган<sup>40</sup>. Шу нарса характерлики, юқорида таҳлил қилганимиз-равишдошнинг жуфт ҳолда келиши ҳам қадимий бўлиб, Лутфий ва Навоий асарларида фаол қўлланилган<sup>41</sup>.

Достон тилида ўғуз гуруҳи лаҳжаларига хос ифодалар кучли сақланган. Кўрсатиш олмошларининг «бўйла», феъл шаклларининг «Олон йўқ» (олгани йўқ), «Келон йўқ» (келгани йўқ) тарзида ифодаланиш ҳоллари тез-тез учрайди. Асар тилидаги ушбу хусусиятлар достоннинг қўлёзма нусхалари анча қадимда шаклланиб, кейинчалик ўзгаришларсиз кўчирилиб келинганлигини кўрсатади. Унинг пайдо бўлиши ўрни эса, асосан, ўғуз қабилалари муҳити билан алоқадордир. Юқорида келтирилган лексик ифодалар, морфологик шакллар бунинг яққол далилидир.

Достоннинг муқаддимаси, хотимаси, воқеалар баёни жараёнидаги инициал формулаларнинг ишлатилиши, назмдан насрга кўчишда ишлатиладиган стилистик воситалар ёзма нусхаларда тарқалган бошқа достонлар билан айнан бир хиллик касб этади. Чунки ёзувга олинган достонларнинг барчаси муайян бир ривоявий услуб доирасида шаклланган бўлиб, мазкур андоза асрлар бўйи барқарор тарзда яшаб келган.

<sup>40</sup> Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т. “Ўқитувчи”, 1973. – Б. 106.

<sup>41</sup> Ўша манба. – Б. 127.

«Лайли ва Мажнун» нинг муқаддимаси ҳам «Ровийлар андоғ ривоят килурларким...» тарзида бошланади. Насрдан назмга ўтишда, «зор-зор йиғлаб бир сўз айди», «боз ҳушига келиб бир ғазал айди» каби стилистик иборалар кўп қўлланилган. Айрим ўринлардаги диалогларда «Саволи Лайли», «Жавоби Мажнун» иборалари ҳам учрайди.

Насрий баёнда воқеадан воқеага ўтишда ишлатиладиган: «Аммо эмди бир-икки калима сўзни Лайлидин эшитинг», «Эмди булар мунда турсун, бир-икки калима сўзни Мажнундан эшитинг» каби формулаларга мурожаат қилинган. Достон finali ҳам ушбу тоифа достонларга хос бўлган: «Тимматул китоб баавни маликул ваҳҳоб» ибораси билан ниҳояланган.

Ушбу фаслда достондаги бадиий тасвир воситаларига хос хусусиятлар ўхшатиш, сифатлаш ва рамзий ифодалар мисолида кенг таҳлил этилган.

Эпос таркибидаги муболағалар ҳақида махсус тадқиқот олиб борган Т. Зупаров муболағаларни таблиғ, иғроқ, ғулув каби турларга бўлади<sup>42</sup>.

Биз таҳлил қилаётган достонда ҳам муболағанинг ушбу учта турида кўзда тутилган мезонларга мос келувчи намуналар учрайди.

Маълумки, синтактик ресурсларнинг энг қадимги турларидан бири анафоралардир. Достонда унинг энг мукамал кўринишлари учрайди:

Салом эй нури чашмим подшоҳим,  
Салом эй падарим нури оллоҳим,  
Салом эй сарвари хуршиди талъат,  
Салом эй гавҳари дарёи ифбат. (216-бет.)

Мажнуннинг отасига ёзган ушбу мактубида унинг қалбидаги меҳр-муҳаббат ўйноқи ва самимий сатрларда жилоланиб туради. Шеърда анафораларнинг оҳангдорликни рўёбга чиқиши билан бирга уларнинг такрорланиши фарзанднинг отасига бўлган чексиз ҳурмат-эъзозини ҳам бўрттириб таъкидлаган ҳолда ифода этади.

Достон шеърлари орасида эпифорага асосланган мисралар ҳам анчани ташкил этади. Лайли ўлим тўшагида ётар экан, Мажнунни ҳузурига таклиф этади. Ўз севиклиси билан видолашар экан, ушбу висол дамларидан маст бўлиб, Мажнунни таъриф қилиб, бир мухаммас ўқийди. Мухаммасдаги эпифоралар мисраларнинг оҳангдорлигини кучайтириб, Лайли қалбидаги жўшқин руҳий изтиробларни тасвирлашда муҳим роль ўйнайди:

Хўблар ичинда бир хуш доносан олло ҳай-ҳай,  
Ёзу қишин очилгон раъносан олло ҳай-ҳай,  
Бошдин оёғи зебо раъносан олло ҳай-ҳай,  
Бир Юсуфи замона мирзосан олло ҳай-ҳай,  
На бўлғай ўз қўлингда берсанг манго пиёла- (226-бет.)

Достон таркибида бир неча ғазаллар берилган. Уларнинг барчаси бадиий жиҳатдан мукамал ишланган. Айрим ғазаллар ички қофия асосида оҳангдор ва ўйноқи битилган:

Мажнун ошиқи зиёда, кезар чўлларда пиёда,

<sup>42</sup> Зупаров Т.У. Халқ достонларидаги муболағаларнинг айрим хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, - №, 61-64-бетлар.

Лайли жоним деб дунёда, машҳури эътибор эрмиш.

Кўрди бир ошиқ навбатин, чекди жаҳоннинг кулфатин,

Беҳол чекар ошиқ меҳнатин, юраги дилафкор эрмиш. (204-бет.)

Бу каби шеърӣй парчалар дoston таркибида кўплаб учрайди. Шuни таъкидлаш керакки, дoston ижодкори мумтоз шеърӣят сирларини яхши тушунади. Шу сабабли асардаги ғазал, мухаммас каби мумтоз адабиётга дахлдор шеърӣй шакллар анча мукаммал битилган.

Бинобарин, дostonнинг шеърӣй қисми ўзининг мукаммаллиги, бадий-эстетик томондан юксаклиги, ифодавий воситаларга бойлиги, аруз вази қодаларига мослиги билан ушбу тоифадаги бошқа дostonлардан фарк қилмайди. Ундаги маснавий жанри эса Хоразмда тарқалган бошқа дostonларда деярлик учрамайди.

**Бобнинг иккинчи фасли дostonнинг Фозил Шоир вариантыдаги бахши маҳорати таҳлилига бағишланган.** Булунғур дostonчилик мактабининг сўнгги таланти вакили Фозил Йўлдош ўғли ҳисобланади<sup>43</sup>. Фозил шоир ўзбек дostonчилигининг энг кўзга кўринган истеъдодли намояндасидир. Унинг репертуарида қирқдан ошиқ дoston бўлган.

Фольклоршунос У. Жуманазаров ўзининг шоирга бағишланган китобида бахшидан ёзиб олинган 30 та дostonнинг ва ёзиб олиниши лозим бўлган 11 та дostonнинг рўйхатини келтиради<sup>44</sup>.

«Лайли ва Мажнун» дostonининг Фозил шоир варианты юксак бадеҳагўйликнинг ёрқин намунасидир.

Унда оғзаки дostonларга хос сажъ усули ўзини тез-тез намоён қилиб туради. Б. Саримсоқов сажъ ҳақида сўз юритар экан, уни бадий санъатлардан бири сифатида баҳолайди. Сажъ турларининг фольклорда қўлланилишини эса уч турга бўлади<sup>45</sup>.

1. Тўлиқ сажъ (сажъ мутавозий) Бир ёки бир неча гаплар таркибидаги айрим бўлақлар ҳам вазнда, ҳам ҳарфи равийда мос бўлади.

Бу тоифа сажъ элементлари «Лайли ва Мажнун» да анчагина топилади. Лайлининг ҳусни-камолини, Ойдай тўлган жамолини эшитиб, ўғлимга олиб берсам, деб юрган эди. (12-бет.) Кичкинагина тўй олиб келса, унга яраша қўй олиб келса... (14-бет.)

2. Қофияли сажъ (сажъи мутарраф). Бир ёки бир неча гапдаги айрим бўлақлар вазнда эмас, фақат равийдагина мос бўладилар. Мажнун Лайлининг бу сўзини эшитиб, кўнглини хушлаб, кўзини ёшлаб, бошидаги лайлак уяларини бузиб ташлаб... (26-бет.) Отини ушлаб, оддан тушириб, макон жойга бошлаб, остига либос ташлаб, кўнглини хушлаб, дастурхон ёзиб, олдига таом ташлаб, хуш келдингиз меҳмонлар, деб ўтирди. (39-бет.)

3. Вазндош сажъ (сажъи мутавозин). Бир ёки бир неча гапдаги айрим бўлақлар ҳам вазн бўлиб, равийда мос бўлмайди.

<sup>43</sup> Раззоқов Х., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т. “Ўқитувчи”, 1980. – Б. 199.

<sup>44</sup> Жуманазаров У. Эл суйган бахшининг эпик олами. – Т. Фан, 2008. – Б. 20.

<sup>45</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Фан, 1978. –Б. 18-19.

Уйга ўзимни урайин, ё ўлдирайин, ё ўлайин, бу ишни бир ёқли килайин. (36-бет.) Мени ташлаб, ўз кўнглингни хушлаб кетдинг. (57-бет.)

Бу ишлар ҳам ўтар, кўнглида бўлса, битар. (19-бет.)

Сажъ усули Фозил шоир вариантыда фаол ишлатилган. Бу эса асарнинг бадиий нутқдаги эвфоник жарангдорлигини таъминлай олган.

Бахши, асосан, қаҳрамонлик дostonларини куйлаб юрганлиги сабабли «Лайли ва Мажнун» романик характерда бўлишига қарамасдан, унинг таркибида стилистик формулалар ўз тузилиши жиҳатидан қаҳрамонлик эпосига хос тасвирларни ўз жисмига сингдирган:

Ушбу фаслда бахшининг бадиий тасвир воситалари, муболағалар ва сайёр формулалардан фойдаланиш маҳорати ҳам бой мисоллар воситасида ёритиб берилган. Бахши севгини, турли лирик кечинмаларни баён қилишда, асосан, 7,8 бўғинли вазнда, эпик тасвирларни аксарият ҳолда 11 бўғинли вазнларда яратган. Қофияланиш тартиби ўзгариб туради. Баъзи ҳолларда бандларга ажратилган рубоий ёки мураббага ўхшаш қофиядаги шеърий парчалар кўзга ташланиб қолади.

Бинобарин, дoston бадииятида бахшининг юксак маҳорати ўзини намоён қилиб туради.

**Бобнинг охирги фасли дostonнинг Умар Боқий вариантыдаги адиб маҳоратига бағишланган.** «Лайли ва Мажнун»нинг Умар Боқий варианты юқорида таъкидлаганимиздек, ёзма ва оғзаки адабиётнинг қоришиқ шаклидир. Дostonнинг таркибида берилган шеърлар бадиий жиҳатдан анча пишиқ-пухта ишланган. Адиб шеърий парчаларни дostonни ниҳоялаётган ўринда келтиради. Бу ўринда у иккита фожеавий лавҳани баён қилишда лирикага эҳтиёж сезади. Мажнуннинг отаси ва онаси вафот қилганида уларнинг қабрлари бошига келиб изтироб чекиши, армон билан йиғлаши воқеасини ижодкор насрий баёнда таъсирчан бериш қийинлиги сабабли поэзияга мурожаат қилган бўлса керак. Негаки, бу шеърий тасвирда Мажнуннинг бутун орзу армонлари, ота-онасидан узр сўрашлари, уларни азоб-укубатга қўйишидан афсус чекаётганлиги тўлалигича ўзининг таъсирчан ифодасига эга бўлган.

Ки эй боний бинағ вужудум,

Исёне забон ризоси судум.

Иршодингни билмадим ғанимат,

Юз войки, фавд ўлунди фурсат,

Юз хайфки тутмадим тариқинг,

Бир неча кун ўлмадим рафиқинг.

Файзинг манга ўлмади муяссар,

Сен хайр дединг мен айладим шар. (41-бет.)

Мажнуннинг дил изтироблари шеърий сатрларда мунгли фарёд сифатида намоён бўлади. Мисралар қатидаги «Юз войки», «Юз хайфки» бирикмалари Мажнун қалбининг акс садоси бўлиб отилиб чиқади ва китобхонни ларзага солади. Шоир шеър мисраларида, аввало, Мажнун монологини ифода этиб, охирги мисраларда лирик қаҳрамоннинг ҳолатини ўзи ҳикоя қила бошлайди:

Чун кўрди отасини мозорин,  
Шам айлади анга жисми зорин.  
Лавҳайлади кўксини мозора,  
Тирноғила қилди пора-пора.

Афғон ила қилди тоза мотам,  
Афғон ичида дер эрди ҳар дам, дея шеърни тугатиб, Мажнуннинг монологини насрда давом эттиради. Насрий монологада Мажнун афсуснадоматлар, пушаймонлар билан ўз дардини тўкиб солади.

Умар Боқий Лайли монологини шеърини баёнда беради ва унинг дардаламларини ҳам таъсирчан мисраларга сингдиради. Лайли ўлим тўшагида ётар экан, ўзининг ҳолидан кўра Мажнуннинг аҳволига кўпроқ ачинади. Унинг севгисига жавоб бера олмаганига афсус чекади:

Ман ошиқу зору бенавоман,  
Бир махлиқоға мубталоман.  
Кўп орзу айладим жамолин,  
Бир дам кўра олмадим висолин. (43-бет.)

Бу шеърнинг ниҳоясида ҳам адиб Лайлининг сўнги сўзларини насрда давом эттиради. Лайли ўзининг ўлимидан кейин Мажнуннинг ҳам, албатта, халок бўлишини башорат қилиб жон таслим қилади. Адиб дostonнинг ушбу сахналарини жуда ҳаёжонли қаламга олади. Адиб Лайли ва Мажнунларнинг ишқини ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқийга ажратади ва ҳақиқий ишқнинг боқий дунёда амалга ошишини таъкидлайди. Асарни «мурод мақсадга етишиб» тугалланганлигини «Ишқи мажозийда ўртанса ва муҳаббат йўлида поймол бўлса, ишқи ҳақиқийга мушарраф бўлса не ажаб дурур», (45-бет.) дея асарни ниҳоялаб китобхоннинг кўнглида умидворлик нишонларини уйғотади ва унга таскин беради.

Умар Боқий эса ўз насрий дostonида бу андозани четлаб, ўша даврда бирга яшаган тарихчи адиблар анъанасига кўпроқ амал қилади.

Бинобарин, адибнинг ушбу дostonи ёзма адабиёт анъаналарига кўпроқ оғиб кетса-да, халқчиллик руҳи, тилининг соддалиги, шеърларининг самимийлиги ва оддийлиги, фольклор анъаналаридан унумли фойдаланилганлиги билан халқ ижодиётига ҳам яқин туради.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. «Лайли ва Мажнун» дostonи Шарқда яратилган энг мунгли асар бўлиб, унинг тарихий илдизлари жуда қадимийдир.

Ушбу сюжет кўплаб халқлар орасида фаол тарқалган бўлиб, турли тилларда эллиқдан ошиқ дostonларнинг пайдо бўлишида асосий омил бўлиб хизмат этган. Тадқиқотлардаги маълумотларга қараганда, ушбу сюжетнинг дастлабки илдизлари VII асрлардаги араб дунёсига бориб тақалади. Ундаги Мажнун ва Лайли образларини кўпгина тадқиқотчилар тарихийликка боғлашса, аксарият олимлар бу фикрни инкор қилишади. Қандай бўлишига қарамасдан ушбу сюжетга асос бўлган афсона ва ривоятларнинг шаклланишига бирор бир ҳаётий воқеаларнинг туртки бўлганлиги шубҳасиздир.

2. «Лайли ва Мажнун» ҳақидаги афсона ва ривоятлар IX асрга келиб, янада оммавийлашиб Арабистондан бошқа мамлакатларда ҳам кенг ёйилган, айниқса, туркий халқлар орасида машҳурлик қозонган.

XII асрга келиб, бу афсона ва ривоятларнинг муайян бир тизимга солиниб, яхлит сюжет асосида Низомий Ганжавий томонидан ёзма адабиётга олиб кирилиши, мазкур сюжетнинг ёзма ва оғзаки адабиётда янада довруғ қозонишига сабабчи бўлди. Ўз навбатида ушбу ташаббус ҳамсачилик анъанасининг давом этишига, тараққиётига туртки бўлди.

Низомийдан кейин А.Навоий, Фузулийларнинг бу йўлдаги хизматлари, мазкур сюжетнинг ўзлари яшаган давр билан боғлаб, ижтимоий ғояларни ривожлантирган ҳолда оригинал дoston яратишлари Лайли ва Мажнун образларини севги-муҳаббатнинг илоҳий рамзи даражасига кўтарди.

3. XVIII асрга келиб Андалиб дostonнинг наср ва назм аралаш қилиб, қисса шаклидаги вариантини, худди шу даврда Умар Боқий ушбу сюжетнинг насрий баёнини яратдилар. Натижада дoston вариантлари халқ орасида оммавий тарзда тарқала бошлади.

Ўша даврга келиб дostonнинг халқ вариантлари ҳам оммавийлаша бошлаган. 1872 йилда унинг Озарбайжонда халқ вариантининг чоп этилиши, шу даврлардаёқ асарнинг халқ китоблари шаклида қозоқлар орасида пайдо бўлиши, Хоразмда асарнинг кўплаб қўлёзмаларининг юзага келиши, Умар Боқийнинг яратган варианты билан ушбу анъананинг янада кучайиши ушбу фикримизни тасдиқлайди.

Биз таҳлилга тортган Хоразмда кўчирилган қўлёзма нусханинг илк илдизлари ҳам ўша даврлардан бошлаб китобдан-китобга кўчирила бошлагани шубҳасиздир.

4. «Лайли ва Мажнун» сюжети жуда мунгли, марсиянамо хусусиятга эга бўлганлиги сабабли у узок асрлар давомида қиссахонлар репертуаридан ўрин эгаллаб келган.

Дostonнинг XIX аср бошларида кўчирилган Хоразм нусхаси наср ва назмнинг тенг ҳажмда иштирок этиши, унинг таркибида мумтоз адабиётга хос ғазал, байт, мухаммас каби жанрларнинг берилиши, ривоявий усулнинг моҳирлик билан ишлатилиши жиҳатидан Андалиб дostonига ҳамоҳанг келади. Унинг ижодкори ўзидан олдинги ва ўз давридаги адибларнинг асарларидан ижодий фойдаланган ҳолда ажойиб оригинал дoston ярата олган. Дostonнинг муқаддима қисми Фузулий асарига, воқеалар ривожи ва финали кўпроқ Навоий дostonига ҳамоҳанг келади. Шеърӣ қисмда эса Андалиб шеърларига хос оҳангдорлик сезилади. Дostonнинг тил хусусиятлари, арабий, форсий лексиканинг устуворлиги Умар Боқий вариантыга яқин келади.

5. Дostonнинг қўлёзма вариантини яратган ижодкор мумтоз адабиёт ва халқ ижодиётидан бохабар шахс бўлганлиги асарнинг мазмунидан яққол англашилади.

Ижодкор дoston таркибига киритган мухаммаслар, ғазаллар, байт ва мураббаъ шаклидаги жанрлар шеърӣятнинг гўзал намуналари сифатида кўзга ташланади. Улар аруз қонун-қоидаларига тўла мос ҳолда яратилган. Дoston воқеалари ичига Хоразм архаик эпосида учрайдиган эранлар, чилтанларга

хамоҳанг келувчи азизлар образининг киритилиши, бошқа турли мифологик лавҳалардан ижодий фойдаланилганлиги ижодкорнинг халқ ижодиётидаги мотивлар билан яқиндан таниш эканлигини кўрсатади. Айниқса асар воқеаларида Хизр образининг тез-тез иштирок этиши дoston воқеаларидаги кескин лавҳаларнинг эзгулик билан ниҳоясига етишишида асосий роль ўйнайди.

6. Ушбу вариантда Лайли ва Мажнунлар билан бирга Мажнуннинг отаси, онаси, Лайлининг онаси образларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мажнун билан отаси орасидаги муносабатни мактублар орқали баён этилиши ва бу алоқаларнинг шеърӣ баёнда ифодаланиши образлар ички кечинмаларини ёрқин ва таъсирчан ифодалай олган. Лайлининг онасига айтган васиятининг мухаммас орқали баён қилиниши ҳам киши қалбини жунбушга келтирувчи ҳароратли мисраларнинг яратилишини рўёбга чиқарган. Ушбу вариантда Зайд образи асосий фигура сифатида намоён бўлади. Унинг Зайнаб исмли севиқли ёри образи ҳам оз бўлса-да воқеалар доирасида кўзга ташланиб, кишида илиқ таассурот уйғотади. Зайнаб образи бошқа вариантларда иштирок этмайди. Ижодкор Зайд билан Зайнаб образларини бериш орқали Зайдни ишқ-муҳаббатнинг моҳиятига тушунувчи шахс сифатида гавдалантиришни мақсад қилиб қўяди.

7. XIX асрларга келиб «Лайли ва Мажнун» ҳақидаги қисса дostonларнинг фаол тарқалиши бу сюжетнинг Фозил Йўлдош ўғли репертуарига кириб келишига сабабчи бўлди. Тадқиқотларда Фозил шоир репертуаридаги оғзаки вариантнинг юзага келишида Навоӣ асарининг таъсирига кўпроқ урғу берилади. Агарда оғзаки вариантдаги воқеалар тафсилотига назар солинса, бахшининг бу асарни ижод қилишида кўплаб манбаларнинг таъсири мавжудлиги аён бўлади. Дostonнинг муқаддимасидаги Мажнуннинг йиғлоқи бўлиб туғилиши, чақалоғини кўтариб келган Лайлининг онаси уларнинг хонадонига кириб келиши билан йиғлашдан тўхташи лавҳалари Фузулий дostonининг бошланмасига ўхшаш келади.

Мажнуннинг чўпонга йўлиқиб, битта қўйни сўйиб, унинг ичига кириб Лайли билан учрашиш иложини топиши, унга ота ва онасининг ўлими ҳақида ғойибдан хабар келиши эпизодлари Умар Боқӣй вариантыдаги деталларга тўла мос келади.

8. Фозил Йўлдош ўғлининг азалдан қиссахонлар ижросида махсус аудиторияларда ўқилиб келинган асарни оғзаки дoston тингловчилари даврасига олиб чиқиши учун дostonдаги айрим мотивларга жиддий ўзгартишлар киритиши зарур эди. Бахши ишни энг, аввало, дoston финалини оптимистик руҳ билан яқунлашдан бошлайди. Чунки тўй ва сайлларда куйланадиган анъанавӣ дostonларнинг деярлик барчаси «мурод-мақсадига етиш» билан яқунланганлиги сабабли тингловчи қалбида умид-ишонч туйғуларини мужассамлаштиради. Бахшининг ушбу ўзгартиши натижасида анъанавӣ сюжетдаги энг мунгли сахналар тушириб қолдирилган. Булар – Лайлининг ўлими олдидан онасига қилган васияти, Мажнуннинг Лайли қабри устида нола чеқиши ва фожиали ўлими, уларнинг бир қабрга жой бўлишлари ва бошқа воқеалардир.

9. Талантли бахши образларни қайта ишлашда ҳам катта ўзгартишларни амалга оширган, айрим образларни янгидан киритган. Янги киритилган образ Хоруни Рашид бўлиб, у аслида тарихий шахс. Халқ ижодида бу шахс ҳақида кўпгина ривоятлар тўқилган бўлиб, халқ орасида анча таниқли номдир. Бахши бу образ орқали Мажнунга ҳимоя қўлини чўзган ҳукмдор қиёфасини кўрсатмоқчи бўлади. У Мажнунга истаган канизлардан биттасини танла, от, қурол-яроқ ол, маза қилиб ҳаёт кечир, деган таклифни ўртага ташлаганда Мажнун бу саҳоватни қатъиян рад қилади. Бу лавҳа Мажнун образидаги илоҳий муҳаббатга садоқатлилиқ ғоясини янада бўрттириб кўрсатади.

Бахши асар воқеалари баёнида Лайлининг онаси образидаги адолатпешалик, ҳақгўйлик, меҳрибонлик каби хусусиятларни янада оширади, отаси образидаги жоҳиллик ва қайсарлик хусусиятларини юмшатади. Натижада асар «мурод-мақсадига етиш» билан тугалланади.

10. Фозил Йўлдош ўғлига мансуб ушбу оғзаки вариантнинг яратилиши ва куйланиши даври шўро мафқураси авж паллага кўтарилган пайтларга тўғри келади. Достон мазмунида бу ҳолат яққол кўринади. Асардаги воқеалар тасвирида бирор жойда ҳам Худо, пайғамбар ёки диний ҳомийлар тилга олинмайди. Достондаги воқеаларда бахши кўпроқ образлар тақдири қалтис жараёнга кирганда ғойибдан хабар келиши усулини қўллаб, воқеаларни ўзаро улаб, яхши томонга йўналтириб юборади. Фозил шоирнинг муваффақияти шу ердаки, ўша қалтис замонда қадимий сюжетни янгилаб, халқчиллик хусусиятларини юксалтириб, воқеаларни эзгулик, умидворлик томонга буриб, ажойиб бир оригинал достонни халққа тухфа қилишнинг уддасидан чиқа олди.

11. «Лайли ва Мажнун» достонининг халқ вариантлари орасида Умар Боқий томонидан мазкур асарнинг насрий баёнга айлантирилган шакли ҳам ўзининг муайян ўрнига эга. Умар Боқий Хоразмда, умуман марказий Осиё халқлари маънавиятида юксалиш даври бўлган XVIII асрда яшаб ижод қилди.

Бу даврга келиб Ўзбекистон худудида, жумладан, Хоразм воҳасида яшовчи халқлар орасида достончилик, қиссахонлик анъаналари тараққиёт босқичига қадам қўйди. Умар Боқий бу асарнинг насрий баёнини яратиш билан «Лайли ва Мажнун» ҳақидаги мунгли достоннинг халқ орасида янада кенг оммалашшига йўл очди.

Бу асар қиссахонлар орқали Хоразмдаги қиротхон-қиссахон халфалар репертуарига ўтиб, хотин-қизлар давраларидаги тадбирларда ҳам ўқила бошлаган.

12. Умар Боқий мадраса таълимини олган етук зиёли, талантли шоир бўлганлигидан «Лайли ва Мажнун» ҳақидаги кўплаб достонларни кўздан кечирган.

Шу сабабли асар Навоий достонининг оддий баёни бўлмай, жиддий бадиий ижоднинг маҳсулидир. Адиб Низомий, Навоий, Фузулий асарларидан, шунингдек, ўз замондоши Андалиб ижодидаги вариантдан ҳам хабардор бўлган ва улардаги энг яхши фазилатларни синтезлаштирган ҳолда ўз асарини яратган. Унинг достони билан танишиш ушбу фикрнинг тўғрилигини исбот қилади.

Умар Боқийнинг хизмати шундаки, эндиликда у халқ оммасига тушунарли бўлган, ёзма адабиёт билан оғзаки баён усулини омукта қилган ҳолда қизиқарли сюжетни қайта ҳикоя қилиб берди.

Асарнинг оммавийлиги шу ердаки, у XX асрнинг бошларида кўплаб нусхаларда кетма кет чоп этилган. Ҳатто шоир Хислатнинг назарига тушиб, унинг ташаббуси билан қайта нашр этилган.

13. Адибнинг мазкур достони гарчи «Лайли ва Мажнун»нинг насрий баёни деб аталса-да, унда иждоқор томонидан киритилган 68 мисра шеър алоҳида кўзга ташланиб туради. Адиб дoston воқеаларининг энг юқори нуқтага чиқиб, образларнинг ички рухий оламини очиб беришда поэзияга мурожаат қилган. Лайли ва Мажнунларнинг ўзаро мактублари, Лайлининг онасига қилган васиятлари лирик чекинишлар орқали баён этилади. Образларнинг монологларидан кейин шоир кейинги воқеаларни шеър орқали ўзи давом эттиради. Натижада образларнинг ички кечинмалари жуда таъсирчан ва ҳароратли мисраларда ўз ифодасини топади. Шунингдек, шоир Навфалнинг уруш манзараларини ҳам шеърӣ баён қилиб, жанг тасвирини жонли ва ҳаяжонли мисраларга мужассамлаштира олган.

14. «Лайли ва Мажнун» нинг халқ вариантлари сифатида қайд қилинган учала вариант ҳам бадиий –эстетик талабларга тўла жавоб бера олади.

Кўлөзма тарзда етиб келган янги топилган вариант билан Умар Боқий варианты воқеаларнинг ривожий тарзда ҳикоя қилиниши, таркибида арабий, форсий лексика ва изофаларнинг кўплиги, бадиий ифода воситаларининг кўп жиҳатдан мумтоз адабиётдаги услубга ўхшашлиги, асар таркибида мумтоз жанрларнинг қўлланилиши билан ўзаро бир-бирларига анча яқинлик касб этади. Шу билан бирга биз Хоразм варианты деб номлаган янги топилган вариант ўзининг ҳажман салмоқдорлиги, шеърӣ жанрларнинг кўплиги, наср ва назм аралаш халқ дostonларига тўла мос келиши, бадиий ифода воситаларининг кўп қирралилиги билан алоҳида ажралиб туради.

15. Фозил Йўлдош ўғли вариантыда анъанавий оғзаки яратилган дostonларга хос бахши услуби ўзини тўла намоён қилади. Асар бадииятида сажъ усулининг ранг баранг кўринишлари, мақоллар, ҳикматли сўзлар, шевага оид лексика, сайёр иборалар тез-тез кўзга ташланиб туради. Айниқса, уруш сахнасида бахши қаҳрамонлик дostonларига хос стилистик формулалардан ўринли фойдаланган. Ушбу омиллар воситасида бадиий нутқнинг бўёқдорлигини таъминлаган. Дostonнинг 7,8 бўғинли вазнлари образларнинг ички руҳиятини очишда, 11 бўғинли вазнлар эса, асосан, эпик тасвирларда истифода этилган. Асар таркибида оригинал ўхшатишлар, сифатлашлар, халқона муболағалар кўплаб қўлланилган.

Бинобарин, «Лайли ва Мажнун» достони ёзма адабиёт билан бирга оғзаки адабиётда ҳам қадимдан бошлаб, афсона, ривоят, эртак шаклида яшаб келган ва XVII-XVIII асрларга келиб, қисса-doston тарзида шаклланган.

Ушбу сюжетнинг халқ орасида оммавийлик ва машҳурлик касб этишининг асосий сабабларидан бири феодализм қонун-қоидаларининг севги-муҳаббат борасида инсон эркини бўғиши ва кўплаб ёшлар тақдирининг бу масалада поймол қилинишидир.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
УРГЕНЧСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЖАММАТОВА МАКСУДА ШАРИПОВНА**

**ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ДАСТАНА “ЛЕЙЛИ И МЕДЖНУН”  
В ПИСЬМЕННОЙ И УСТНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ**

**10.00.01 – Узбекская литература**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ургенч – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.1.PhD/Fil571.

Докторская диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме) размещен на веб-странице научного совета ([www.uzdjtisu.uz](http://www.uzdjtisu.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный руководитель:

Рузимбаев Сафарбой Рузимбаевич,  
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хаккулов Ибрагим Чориевич,  
доктор филологических наук, профессор

Керуенов Тургунбай Аразметович,  
доктор филологических наук, доцент


Ведущая организация:

Каракалпакский государственный  
университет

Защита диссертации состоится «14» «марта» 2022 года в «14<sup>00</sup>» часов на заседании Ученого совета PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 по присуждению ученых степеней при Ургенчском государственном университете. (Адрес: 220100, город Ургенч, улица Х.Алимджана, дом 14. Тел: (99862)-224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: fil-ik.urdu.uz.).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ургенчского государственного университета (зарегистрирована под номером (A-56P)). Адрес: 220100, город Ургенч, улица Х.Алимджана, дом 14. Тел: (99862)-224-67-00.

Автореферат диссертации разослан «3» «марта» 2022 года  
(реестровый протокол под номером 7 от «3» «марта» 2022 года).

  
З. Дусимов,  
председатель Ученого совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.н., профессор

С.М.Сариев,  
ученый секретарь Ученого совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.ф.н., доцент

А.Д.Уразбаев,  
председатель Научного семинара  
при Ученом совете по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.н. (DSc), доцент



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность темы.** В современном мировом литературоведении расширяется объем исследований, направленных на определение места древнейших источников, имеющих отношение к самым древним пластам традиционной художественной культуры, национальных эпосов в эволюции поэтического мышления посредством выявления их историко-генетических основ. В результате было определено, что формированию и развитию искусства художественного слова у народов послужили основой традиции устного творчества, возникшие в процессе непосредственного устного исполнения. А это дало возможность определить воздействие считающихся общими для письменного и устного творчества тюркских народов величественных эпосов, которые издревле развивались в рамках взаимно близких культурных и экономических связей и совместно создавали мировые культурные ценности, на литературные традиции регионов, в частности, на развитие письменного и устного творчества узбекского народа, а также их важное место, занимаемое в эволюции эпических сюжетов.

Наряду с огромным влиянием распространившихся в мировом литературоведении в виде письменных источников эпических произведений на развитие художественной литературы, были сформированы научные воззрения о том, что они являлись одним из важных факторов, определяющих развитие эпической традиции в фольклоре. Данные новые научно-теоретические взгляды способствовали выявлению приоритетных критериев, определяющих развитие критического мышления, на основе сопоставительного анализа созданных нашими предками на протяжении веков и получивших развитие посредством устного исполнения дастанов с их сохранившимися к настоящему времени в различных проявлениях образцами.

В последние годы весьма усиливается интерес к нашей классической литературе и уникальным образцам народного творчества. В воспитании молодого поколения в духе высокой духовности и просвещенности, совершенствовании в них патриотических чувств основным велением времени становится поиск нашего классического наследия, древних ценностей, а также их всестороннее исследование.

Слова нашего Президента Ш.М.Мирзиёева: “Созданные мудростью и художественным гением наших великих предков уникальные образцы, в частности, произведения, имеющие отношение к математике, минералогии, астрономии, химии, медицине, фармацевтике, археологии, истории, литературе, искусству, богословию, философии и другим отраслям, считаются бесценным сокровищем не только нашего народа, но и всего мирового сообщества”<sup>12</sup>, - служат своеобразным ориентиром в аспекте изучения нашей национальной духовности и ценностей.

---

1. Мирзиёев Ш.М. Газета “Литература и искусство Узбекистана”, 18 мая 2018 года, №21 (4471)

Осуществлено немало исследований относительно нашей классической литературы, ее произведениях, созданных на основе образцов народного творчества, которые на протяжении веков служили духовной пищей для народа.

В данном отношении исследование сюжета дастана “Лейли и Меджнун” на основе идей национальной самобытности в сопоставительном аспекте с вариантами из письменной и устной литературы еще ждет своего часа.

Обнаруженный в последние годы в Хорезме новый вариант дастана “Лейли и Меджнун”, получивший распространение на основе письменного экземпляра, ставит на повестку дня данное исследование. Данная рукопись имеет оригинальный вид в аспекте своего сюжета, его переработки на основе новых деталей. Данная рукопись по своему характеру, в сравнении с устной литературой, более близка к письменной.

Освещение ареала распространения классического сюжета и его своеобразных особенностей на основе изучения данного рукописного произведения в сопоставительном плане с отдельными образцами письменной литературы, а также с устными вариантами из репертуара бахши определяет **актуальность** нашей работы.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит для претворения в жизнь задач, указанных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академий наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательских работ” ПП-2789 от 17 февраля 2017 года, “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и популяризации древних письменных источников” ПП-2995 от 24 мая 2017 года, “О проведении Международного фестиваля искусства бахши” ПП-3990 от 1 ноября 2018 года, “О мерах по дальнейшему развитию искусства бахши” ПП-4320 от 14 мая 2019 года, в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию искусства бахши и дастанов” VMQ-304 от 24 апреля 2018 года, а также в другой нормативно-правовой документации, имеющей отношение к данной деятельности.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике I. “Формирование и претворение в жизнь системы инновационных идей в социальном, правовом, культурном, духовно-просветительском развитии информированного общества и демократического государства”.

**Степень изученности проблемы.** Относительно переработки сюжета дастана “Лейли и Меджнун” в письменной литературе, его генетических истоков, основных образов в произведении, взаимосвязи дастана “Лейли и Меджнун” из “Пятерицы” А.Навои с распространенными среди персидских и тюркских народов сюжетами зарубежными и узбекскими учеными

осуществлен широкий круг значительных исследований<sup>13</sup>. В то же время в настоящее время отсутствуют крупные исследования, касающиеся рукописных вариантов дастана “Лейли и Меджнун”.

Таким образом, все созданные к настоящему дню нашими видными учеными исследования послужили основой для нашей работы.

**Связь исследования с планом научно-исследовательских работ учреждения, где выполнена диссертация.** Данное исследование введено в структуру перспективных планов научно-исследовательских работ на тему “Актуальные вопросы узбекской литературы и фольклористики”, осуществляемых на кафедре “Узбекского языка и литературы” Ургенчского государственного университета.

**Цель исследования** состоит в раскрытии сюжетов имеющих отношение к народному творчеству, на основе взаимного сопоставления дастана “Лейли и Меджнун”, исполняемого Фазылом Юлдаш оглы, дастана Алишера Навои “Лейли и Меджнун”, а также недавно обнаруженного в Хорезме рукописного экземпляра под аналогичным названием и устных вариантов.

**Задачи исследования.** Исходя из поставленной цели, выдвигаются для рассмотрения следующие задачи:

- уделить внимание основным факторам, послужившим основой для формирования сюжета произведения;
- осветить причины проникновения дастанного сюжета в письменную литературу;
- охарактеризовать народные варианты дастана;
- проанализировать в сравнительном аспекте новый рукописный экземпляр, обнаруженный в Хорезме;
- исследовать своеобразие художественного языка в письменном экземпляре.

